

ISSN 2181-9521

№ 1-son, 2022



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



2022 йил – инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили



“Инсон қадрини улуғлаш – юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш демакдир.”

“Маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади. Маҳалла обод бўлса, мамлакат обод бўлади.”

“Бундан буён ҳар бир маҳаллада самарали иш олиб бориш фаолиятимизнинг бош мезонига айланади.”

“Бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорликни таъминлашга устувор аҳамият қаратамиз.”



“2022 йилда иқтисодиётимиз тармоқлари ва тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш эътиборимиз марказида бўлади.”

“Аҳоли даромадларини кўпайтириш, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини оширишга қаратилган муҳим ишларни давом эттирамиз.”



“Ижтимоий соҳалар, айниқса, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия ва илм-фанни ривожлантиришга барча ресурслар жалб этилади.”

“Халқимизнинг ҳаёти янада фаровон ва мазмунли бўлиши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.”



ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ – ЯНГИ ЖАМИЯТНИНГ МАҚСАДИ

Бугунги жаҳон сиёсий харитасидаги мураккаб вазият тўғрисидаги манфаатлар мувозанатининг кескин бузилиши, шунингдек чегара билмас пандемия келтириб чиқараётган иқтисодий қийинчиликлар инсон қадр-қимматини эъзозлаш, унга муносиб турмуш кечирishi учун қулай имконият яратиш беришни тақозо этмоқда.

Мамлакатимиздаги туб демократик янгиланишлар, босқичма-босқич амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида инсон қадрини улуғлаш стратегик истиқболни белгилайдиган гоё сифатида илгари сурилмоқда.

Мана шу инсонпарвар гоёнинг ҳаётий ифодасини топтириш мақсадида Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2022 йил мамлакатимизда “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб эълон қилинди.

“Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойили асосида ишлаб чиқилиб, кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган ва кейинги беш йилликда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асосларини яратиш беришга қаратилган Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси қабул қилинди.

Концептуал характерга эга бўлган мазкур ҳужжатда давлат ва жамият тараққиётини белгилайдиган қуйидаги етти асосий йўналиш белгиланган:

инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;

мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;

миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш; адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;

маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш;

миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш;

мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, барча йўналишларда аҳоли фаровонлигини ошириш, фуқароларнинг ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини ҳал этиш, жамиятда қонун устуворлиги, қонунийлик ва адолат, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни қарор топтириш устувор аҳамият касб этади.

“Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш”га қаратилган биринчи йўна-



лишда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун кўплаб чора-тадбир ишлаб чиқилган.

Жумладан, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни жойида ҳал этиш мақсадида маҳаллалар ваколатларини кенгайтириш, уларнинг молиявий мустақиллигини кучайтириш;

фуқароларнинг ўз маҳалласи ҳаётидаги иштирокини ҳамда давлат органлари ва маҳаллалар ўртасида тўғридан-тўғри алоқани таъминлаш, маҳаллаларда аҳоли билан ишлашга қаратилган жараёнларни рақамлаштириш сингари муҳим вазифаларнинг ижроси “Инсон қадрини устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлат” деган стратегик мақсаднинг рўёбига хизмат қилади.

2022 йил 1 январдан бошлаб ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси лавозими таъсис этилганлиги ислохотларнинг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Янги таъсис этилган ҳоким ёрдамчиларининг асосий вазифаси ҳам мамлакатимиздаги барча маҳаллаларнинг ҳақиқий ижтимоий-иқтисодий ҳолатини чуқур ўрганиш натижасида аҳолининг бандлик даражасини, оилаларнинг даромад манбаларини, томорқа ерларидан фойдаланиш ҳолатини ҳамда даромадли меҳнатга бўлган интилиши ва эҳтиёжларини таҳлил қилиш орқали уларга муносиб турмуш шароитларини яратиш бўлиб ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, моҳият эътиборига кўра Ўзбекистоннинг тараққиётини сифат жиҳатидан янги бир босқичга олиб чиқадиган, давлатнинг энг асосий вазифаси бўлган фуқаролар фаровонлигини ошириш, тинчлик-осойишталигини таъминлаш сингари муҳим вазифаларни қамраб олган Тараққиёт стратегияси янги жамиятнинг истиқболини белгилайдиган ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Зеро, барча тараққийпарвар жамиятнинг бош мақсади ИНСОНПАРВАРЛИҚДИР.

Жалолиддин ҲУСЕНОВ,
Бухоро вилоят маъмурий судининг судьяси.

“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Бехзод МЎМИНОВ
Собир ХОЛБАЕВ
Шерзод ЮЛДАШЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Шаҳбоз САИДОВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар бўйича диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда 0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан фойдаланилганда, манба қайд этилиши керак.

Босишга 20.01.2022 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ
Буюртма № 12 Адади 2700
Баҳоси келишилган нархда

“TIPOGRAFIA POLIAR” МЧЖ

босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: 100057, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ифтихор кучаси, 117-уй, 19-хонадон

МУНДАРИЖА

МАСЪУЛИЯТ МЕЗОНЛАРИ

6

ЙИЛ БОШИДАГИ ЎЙЛАР...

7

КУН МАВЗУСИ

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ –
ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ
ТАМОЙИЛЛАРИ АКС ЭТГАН ҲУЖЖАТ

ДАВР НАФАСИ

8

ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ ВА
ҲУҚУҚЛАРНИНГ КЎЧИШИ

12

ОДИЛ СУДЛОВ

ЭГИЛГАН ҲАҚИҚАТ СУД ЙЎЛИ БИЛАН
ТИКЛАНДИ

ЭКСПЕРТ ФИКРИ

14

ЖИНОЯТЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ:
ОИЛА, МУҲИТ ВА ТАРБИЯ

16

ИНСОН ҚАДРИ

ҲАЁТ ВА СОҒЛИҚҚА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР
ҚАНДАЙ УНДИРИЛАДИ?

МУЛОҲАЗА

18

МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ
ҚАРОРЛАРИ ЮЗАСИДАН СУД
ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДАГИ МУАММОЛАР

20

МУҲИМ МАВЗУ

ЖИНОИЙ ЙЎЛ БИЛАН ТОПИЛГАН
МОЛ-МУЛК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

ТАДҚИҚОТ

22

ТЕРГОВ ВА ПРОЦЕССУАЛ ҲАРАКАТЛАР
НАТИЖАЛАРИНИ
РАСМИЙЛАШТИРИШНИНГ
ИЖТИМОИЙ ЗАРУРИЯТИ

25

ИБРАТ

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИ

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ДУНЁ

26

ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМ –
ТАРАҚҚИЁТГА ТАҲДИД

28

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ
САҚЛАШДА “ХАВФСИЗЛИК”
ТУШУНЧАСИНИНГ НАЗАРИЙ –
ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

ТАЛҚИН

30

ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ
ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

32

СУДЬЯ МИНБАРИ

ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВ ИНСТИТУТИ:
КЕЧА ВА БУГУН

ЭЪТИРОФ

33

“АДОЛАТ ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ
ОЛИЙ НУҚТАСИ”

34

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИККА
ОИД ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ:
МУАММО ВА ЕЧИМ

ҚОНУН ВА АМАЛИЁТ

36

НАСЛИ ПОКНИНГ – АСЛИ ПОК

40

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

СОЛИҚҚА ОИД ҚОНУН БУЗИЛИШИ
ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКНИНГ
ФАРҚЛИ ЖИҲАТЛАРИ

СУД ОЧЕРКИ

42

УЙ-ЖОЙГА ЭГАЛИК ҲУҚУҚИ
ҚАЙТАРИЛДИ

44

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ
ИНСТИТУТИ ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ
ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

МОЗИЙДАН САДО

46

ҚОЗИЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА

47

РЕФОРМА

РОЛЬ ЮРИДИЧЕСКОЙ КЛИНИКИ
В ОКАЗАНИИ КВАЛИФИЦИРОВАН-
НОЙ ЮРИДИЧЕСКОЙ ПОМОЩИ

ВАЖНАЯ ТЕМА

50

ОБЩАЯ СТРУКТУРА И ОСНОВНЫЕ
ЭЛЕМЕНТЫ ВНУТРЕННЕЙ
ОРГАНИЗАЦИИ ПАРЛАМЕНТА КАК
СОВОКУПНОСТЬ ДЕЙСТВЕННОГО
МЕХАНИЗМА ДЕЯТЕЛЬНОСТИ
ПАРЛАМЕНТА

52

ПРОЦЕСС

ПРОБЛЕМЫ УЧЕТА И
РАССЛЕДОВАНИЯ НЕСЧАСТНЫХ
СЛУЧАЕВ НА ПРОИЗВОДСТВЕ

ANALYSIS

55

THE CHISINAU CONVENTION ON
“LEGAL ASSISTANCE AND LEGAL
RELATIONS IN CIVIL, FAMILY
AND CRIMINAL MATTERS” IS A
NEW GENERATION TO THE MINSK
CONVENTION

59

INTERNATIONAL EXPERIENCE

INTELLECTUAL PROPERTY PROTECTION:
LEGAL BASIS FOR PROTECTING THE
DOMESTIC MARKET FROM ILLEGAL
TRADE IN INDUSTRIAL PRODUCTS IN
THE PEOPLE’S REPUBLIC OF CHINA



Шахноза МУХАММАТКУЛОВА,
фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё
туманлараро суди судьяси

ЙИЛ БОШИДАГИ ЎЙЛАР...

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ижтимоий-сиёсий ҳаётида кўплаб тарихий воқеликларга бой бўлган 2021 йил поёнига етиб, янги 2022 йил бошланди. Йил алмашаётган пайтда ҳар бир инсон халқона айтганда “орқага бир қараб олади”. Ўтаётган йил унинг ҳаётида қандай из қолдирди. Нималарга эришди-ю, қай бир вазифани бажариш имконини қила олмади..?

2021 йил менинг ҳаётимда унутилмас воқеаларга бой бўлди. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг магистратура босқичини тамомлаб, Судьялар олий кенгашининг 2021 йил 22 октябрдаги қарори билан фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё туманлараро суди судьяси лавозимига тайинландим.

Судьялик фаолиятимнинг биринчи куниданок мени энг кўп ўйлантирадиган масала – адолатни қарор топтиришга қодир бўлган судья қандай ишлаши ва қандай яшаши керак?! Бу мураккаб саволга жавоб излашим бежиз эмас...

Янгиланаётган жамиятимиздаги туб демократик ўзгаришлар, қатъият ва изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам адолатни қарор топтиришдир. Инсон манфаатини таъминлаш, унга муносиб ҳаёт шароитини яратиб бериш, унинг қадрини улуглаш пировард натижада халқпарвар давлат барпо этиш – барча-барчаси адолатни қарор топтиришга боғлиқ.

Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёев кўплаб маърузаларида “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган инсонпарвар тамойилни асосий стратегик ғоя сифатида илгари суради ва барча давлат органлари мутасаддиларининг олдига шу ғояни амалда таъминлаш вазифасини қўяди. Ушбу муҳим масалада куйидаги фикрларини билдириб ўтади. “Мен бир фикрни такрорлашдан чарчамайман: халқимиз ҳамма нарсадан устун қўядиган адолатни ҳаётимизда том маънода қарор топтириш энг асосий вазифамизга айланиши шарт.”

Гап шундаки, Давлатимиз раҳбари ҳар гал “адолатни қарор топтириш” ҳақида гапирганларида, албатта судья ва суд органлари фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтадилар. Жумладан, “Адолат кўрғони қачон пайдо бўлади? Қачонки суд органлари, судьялар қонунга, одиллик тамойилларига қатъий амал қилиб, ўз вазифасини ҳалол ва виждонан адо этса, бунга эришиш мумкин”, “адолат бу – давлатчиликнинг мустақкам пойдеворидир. Адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда эса суд ҳокимияти ҳал қилувчи ўринни эгаллайди” каби фикрлари бунга яққол мисол бўлади.

Шу боис, “қонунларнинг толмас ҳимоячилари, адолатнинг мустақкам устунлари” деб эътироф этиладиган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судьяларнинг профессионал касб фаолиятини амалга оширишга, бир сўз билан айтганда

одил судловга салбий таъсир ўтказадиган ҳар қандай омилларни бартараф этиш, бу борада суд ва тергов ишига аралаштириш ҳолатларини аниқлаш, бунинг учун жавобгарликни кучайтириш ва жазо муқаррарлигини таъминлаш суд-ҳуқуқ ислохотларининг устувор йўналишига айланди.

Қонунчиликда суд ишига аралаштириш ҳолатлари бўйича Судьялар олий кенгаши раисига Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига тақдимнома киритиш ваколати берилиб, эндиликда тақдимнома асосида жиноят иши кўзғатиш ёки кўзғатишни рад қилиш ҳақида қарор қабул қилиниши лозимлиги қатъий белгиланди. Судьяларнинг дахлсизлигини таъминлаш, уларга муносиб иш ва турмуш шароитларини яратиб бериш нуқтаи назаридан кўплаб амалий ишлар қилинди ва бу давом эттирилмоқда.

Бундан ташқари, судьялар ҳам моддий, ҳам маънавий кўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, Ўзбекистон суд тизими тарихида илк бор соҳада узоқ йиллар самарали меҳнат қилган тажрибали судьяларни “Ибратли судья” мукофоти ҳамда “Суд фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирлаш жорий этилди. Шулардан келиб чиқиб айтиш керакки, бундай имкониятлар ўз навбатида судьяларимизга ҳам жуда катта масъулият юклайди. Бунинг учун биз судьялар:

биринчидан, давлат ва жамият олдиданги масъулиятни чуқур ҳис этиб, ўзимиз қабул қилаётган суд ҳужжатлари учун жавобгарликни тўла тушуниб, фақат амалдаги қонунларга бўйсунган ҳолда қарор чиқаришимиз шарт;

иккинчидан, Судьялик қасамёдига ва Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси қоидаларига содиқ қолиб, ҳар қандай қонун бузилиш ҳолатларига муросасиз бўлишимиз керак;

учинчидан, бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда, ўзимизнинг билим ва тафаккуримизни ошириб бориш учун тинимсиз изланишимиз керак.

Зеро, Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик бугунги кунда давлат бошқаруви органларида фаолият кўрсатаётган барча инсонлар қатори судьялар фаолиятининг ҳам кундалик қоидаси бўлиб қолиши зарур.”

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ – ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ АКС ЭТГАН ҲУЖЖАТ



**Дилмурод
ДАВЛЕТОВ,**
Қўнғирот туман
иқтисодий
судининг судьяси

Янги Ўзбекистонни энг ривожланган демократик мамлакатлар қаторига киритиш мақсадида ишлаб чиқилган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясининг биринчи йўналиши “Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш”га бағишланган. Инсон қадрини юксалтириш, халқпарвар давлат барпо этишдек инсонпарвар ва тараққийпарвар ғоялар мужассамлашган мазкур йўналишни ҳаётда амалий ифодасини топтиришга қаратилган 12 та мақсад белгиланган.

Дастлабки “Маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш”га эътибор қаратадиган бўлсак, ривожланган давлат ва жамият бошқарувига хос бўлган демократияни белгилайдиган муҳим масалалар акс эттирилганлигининг гувоҳи бўламиз. Бундан кўзланган мақсад, “инсон манфаатларини амалда таъминлаш”, “одамларни рози қилиш”га қаратилган турли дастурларни ишлаб чиқишда кенг жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олишдир. Пировардида бу фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки кўламининг ортиб боришига таъсир кўрсатади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, жамоатчилик назорати ўрнатилишининг самарадорлиги аҳолининг ҳуқуқий маданияти юксаклигига ва ижтимоий-сиёсий фаоллигига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан ёндошганда биз судьяларнинг олдида ҳам бир қанча вазифалар турибди. Ўзбекистон Республикаси Судьяларининг одоб-ахлоқ кодексида биноан судьянинг оммавий ахборот воситалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиши фуқароларнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришга ва шу орқали судга бўлган ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилиши назарда тутилган. Қабул қилинаётган қонунлар, уларнинг аҳамияти билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларимизни оммавий ахборот воситалари орқали доимий равишда билдириб боришимиз лозим, деб биламан. Жамият аъзоларини ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлаш, шубҳасиз уларнинг ҳуқуқий маданияти юксалишига ижобий таъсир кўрсатади.

Тараққиёт стратегиясининг иккинчи йўналиши “мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш” этиб белгиланган.

Гап шундаки, Ўзбекистон тараққиётининг бугунги босқичида амалга оширилаётган барча ислохотларнинг туб замирида ҳам айнан мана шу стратегик ғоя – адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш ётади.

Бунда суд органларининг фаолияти ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Ҳуқуқий демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамияти шароитида суд ҳокимияти қонун устуворлигини таъминлаш ва адолатни қарор топтиришда энг муҳим тузилмалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун иккинчи йўналишдаги вазифаларни амалга оширишга қаратилган 15-мақсадда “давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш” масаласининг қўйилиши бежиз эмас. Бу биринчидан мансабдор шахснинг зиммасига фақат қонун доирасида фаолият юритиши шартлиги талабини юкласа, иккинчидан ижтимоий адолат суд органи орқали таъминланишини кўрсатади.

Мазкур концептуал ҳужжатнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири – “маъмурий судларда мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш орқали суд назоратини қўллаш соҳасини кенгайтириш”нинг белгиланаётганидир. Таъкидлаш жоизки, самарали суд назоратининг ўрнатилиши жамият ҳаётида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилинишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, Тараққиёт стратегиясида белгиланган муҳим вазифалар судьялар ўзларининг фаолиятига янги жамият қўяётган талаблар даражасида ёндашиши заруриятини вужудга келтирмоқда. Бугунги тез ўзгариб бораётган ҳаёт динамикаси, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечиришига қаратилган ва тобора шиддатли тус олаётган демократик ислохотлар жараёнида фаол ва садоқат билан ишлашимиз лозим.



Нурбек ТОШКАНОВ,
ТДЮУ таянч докторанти

ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ ВА ҲУҚУҚЛАРНИНГ КЎЧИШИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада илмий ташкилотлар, яъни университет (институт)лар ва илмий тадқиқот институтларида олиб борилган тадқиқотлар натижалари бўлган интеллектуал мулк объектларига тегишли ҳуқуқларни кўчириш, бу бўйича мамлакатимиздаги бугунги ҳолат, хорижий мамлакатларнинг интеллектуал мулк объектларини университетлардан бизнес (саноат)га татбиқ қилиш борасидаги тажрибаси хусусида сўз юритилган.

Калит сўзлар: интеллектуал мулк объектлари, технологиялар трансфери, университет (институт)лар, тижоратлаштириш, Бая-Дол қонуни (Bayh-Dole Act)

АННОТАЦИЯ:

эта статья касается передачи права интеллектуальной собственности в научных организациях: университетах, исследовательских центрах. Он также посвящен исследованию нынешнего национального ландшафта передачи права ИС и его международному сравнению с учетом передачи прав ИС от университетов бизнесу (промышленности).

Ключевые слова: интеллектуальная собственность, трансфер технологий, университеты (институты), коммерциализация, Закон Бая-Доула (Bayh-Dole Act)

ANNOTATION:

this article concerned with transferring the right for an intellectual property in scientific organisations i.e. universities, research centres. It also devoted to investigate national current landscape of transferring right of IP, and compares it internationally taking into consideration transferring IP rights from universities to business (industry).

Keywords: intellectual Property, Technology Transfer, Universities, Commercialization, Bayh-Dole Act

2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясининг устувор вазифаларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб Глобал инновацион кўрсаткич рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 та илғор мамлакати қаторига киришига эришиш белгиланган. Глобал инновацион кўрсаткич (The Global Innovation Index) АҚШнинг Корнелл Университети (Cornell University), Франциянинг Insead бизнес-мактаби ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (WIPO)нинг кўшма тадқиқоти бўлиб, унинг мақсади дунё мамлакатларининг инновацион тараққиёти даражасини баҳолаш ҳисобланади.

Шу билан бирга, ҳозирча Глобал инновацион кўрсаткичи интеллектуал мулк бўйича Ўзбекистон қайд этилган ягона рейтинг ҳисобланади. 2020 йилги рейтингда Ўзбекистон 131 давлат ичида 93-ўринни, 2021 йилнинг 20 сентябрида эълон қилинган янги рейтингда эса Ўзбекистон 7 поғона кўтарилиб, таҳлил ўтказилган 132 мамлакат орасида 86-ўринни эгаллади¹. Эътиборли жиҳати шунда-ки, кўрсаткичда 5.2.1 кодли Университет – саноат ҳамкорлиги (University/industry research collaboration) кўрсаткичи бўйича маълумотлар ҳисобга олинмаган, бунга изоҳ сифатида World Economic Forum маълумотлар базасида бу ҳақида маълумотлар йўқлиги кўрсатилган². Мазкур ҳолат ўз навбатида, университетларда яратилаётган илмий-инновацион ишланмалар ва бошқа шаклдаги интеллектуал мулк объектларининг саноатга татбиқ қилиниши, саноатнинг университетларга интеллектуал мулк объектларини яратиш бўйича буюртмалари юзасидан халқаро миқёсда ишончли маълумотларнинг йўқлигини кўрсатади.

Бундан ташқари, Ялпи ички маҳсулотнинг фоизи ҳисобида таълимга харажат (expenditure on education, % GDP), Ўқитувчи-ўқувчи коэффициенти (Pupil-teacher ratio, secondary) ва Тажриба асосидаги меҳнат билан муносабат (Knowledge-intensive employment) каби илм-фан фаолиятига бевосита боғлиқ бўлган кўрсаткичлардан улар тўғрисида маълумотлар йўқлиги сабабли таҳлилда фойдаланилмаган.

Университет-саноат (University-Industry, UI) ҳамкорлиги эса олиб борилган тадқиқотлар натижаси бўлган интеллектуал мулкнинг саноатга татбиқ қилиниши (беғараз ёки ҳақ эвазига), тадқиқот натижасига бўлган бозор (саноат) талабини ўрғаниш, саноатнинг тадқиқот натижасига эҳтиёжининг мавжудлигини таҳлил қилиш ва тадқиқот ўтказиш ҳамда саноат буюртмаларини қабул қи-

лиш каби бир қатор жараёнлардан иборат бўлиши мумкин. Собиқ Иттифоқда тадқиқотлар буюртмачиси ва уларнинг ягона эгаси давлат бўлганлигини кўриш мумкин. Бу эса интеллектуал мулк бозорининг мазкур давлатда етарли даражада ривожланмай қолишига сабаб бўлди. Ушбу ҳолат ўз навбатида унга аъзо бўлган иттифоқдош республикаларнинг иқтисодий ҳаётида ҳам яққол кўзга ташланиб қолди.

Мазкур ҳолат ўтган асрнинг 70-80-йилларига қадар Фарб давлатларида ҳам кузатилган. Уларнинг йирик корпорациялар билан алоқалари чекланган бўлиб, тадқиқот натижаларини кенг ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш учун тегишли ҳуқуқлар (масалан, лицензия асосида фойдаланиш)ни татбиқ қилишда қийинчиликларга сабаб бўлган. Мазкур муаммо саноат ва илм-фан ривожига салбий таъсир кўрсатишини англаган мутахассислар уни бартараф қилиш чорасини кўришга интилганлар.

Бу каби ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ 1980 йилда АҚШда Бэя-Доул новаторлик қонуни (Bayh-Dole Act) қабул қилиниши билан технологияларни илмий тадқиқот ташкилотидан саноатга татбиқ қилиш борасида интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар биринчи ўринга чиқди³. Мазкур қонун университетларга федерал давлат органлари томонидан молиялаштирилган тадқиқот натижаларидан олинган патентга эгалик ҳуқуқини олишга имкон берди. Шу билан бирга, қонун университетлар олдида тадқиқот натижаларини саноатда лицензиялаш орқали тижоратлаштириш бўйича дадил қадамларни ташлаш ёки ўқитувчи ва талабаларга start-up компанияларни ташкил этиш учун ёрдам бериш талабини қўйди.

Бэя-Доул қонуни АҚШда ҳукумат томонидан молиялаштириладиган тадқиқотлар юзасидан давлат илмий тадқиқот ташкилотларидан хусусий секторга технологияларни трансфер қилишнинг энг кўп учрайдиган моделини белгилаб берган. Бир сўз билан айтганда, технологиялар трансферининг Бэя-Доул модели университетларга давлат молияси асосида ўтказилган тадқиқот натижаларидан тижорий фойда олиш ва бундай тадқиқот натижаларини ҳимоя қилишга имкон яратади. Ушбу модел миллий иқтисодиётга, умуман олганда, бутун дунёга технологияларни тижоратлаштиришдан фойда келтириш, шунингдек университетга технологиядан молиявий даромад шаклида фойда олиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Мазкур моделга асосан университетларда марказлаштирилган технологиялар трансфери офиси (ТТО – technology transfer office) ташкил этилди. Айрим университетларда эса, хусусан, Калифорния университетиде, турли кампусларга хизмат қилувчи қатор офислар мавжуд.

Бэя-Доул қонуни қабул қилинган вақтдан бошлаб АҚШнинг деярли барча тадқиқот университетларида технологиялар трансфери офиси ташкил қилинди. Технологиялар трансфери офиси ихтироларни баҳолаш, университет номидан патент аризаларини топшириш ва патентларни лицензиялаш учун масъул ҳисобланади. Мазкур офис патентни излаш, патент

аризаларини топшириш ва бизнес-секторда муносиб лицензиатни топиш вазифаларини ҳам бажаради. Офисда аниқ (табиий) фанлар, ҳуқуқ, маркетинг ва бизнесни ривожлантириш соҳасида иш тажрибасига эга бўлган профессионаллар иш олиб боради⁴. Шунга мувофиқ патентдан тортиб “университет – саноат ҳамкорлиги”нинг барча жиҳатлари технологиялар трансфери офиси томонидан мувофиқлаштирилади.

Технологиялар трансфери офисининг фаолияти “патент агентлиги” иши моделига мувофиқ бўлганлиги учун ҳам унинг асосий мақсади патентланадиган ихтироларни саноат вакилларига сотишга йўналтириш ҳисобланади. Технологиялар трансферининг мазкур модели давлат сиёсати ва бошқарув идоралари томонидан қўллаб-қувватланадиган олий таълим ва тадқиқот институтлари учун стандартлаштирилган тизим ҳисобланади. Бэя-Доул инновациялар модели ҳукумат томонидан молиялаштиришга асосланган бўлиб, саноати ривожланган кўплаб жаҳон мамлакатларида кенг тарқалган. Ундан нафақат университетлардан саноатга технологияларни трансфер қилишни кенгайтиришда, балки илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш (R&D) бўйича тармоқлараро ҳамкорликни йўлга қўйишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Бугунги кунга келиб АҚШнинг биргина Массачусетс технология институти бир неча ўнлаб билим соҳаларида камида 400 та марказ ва лабораторияларга эга. Унинг доирасида илмий-тадқиқот фаолияти натижаларини тижоратлаштиришга қаратилган “Deshpande Centre for Technological Innovation” номли технологик инновациялар маркази яратилган. Унинг микромолиявий инновациялар миқдори ўн миллионлаб АҚШ долларига тенгдир⁵.

Мамлакатимизда ҳам баъзи университетлар ҳузурида технопарклар, лабораториялар, илмий марказлар ва тадқиқот институтлари фаолият олиб бормоқда, бироқ уларнинг аксариятида инновацион марказлар йўқлигига гувоҳ бўламиз.

Мавзуга қайтадиган бўлсак, Буюк Британия, Германия, Япония каби мамлакатларда илмий тадқиқот ва ишланмалар натижаларини тижоратлаштириш учун университетлар ва илмий-тадқиқот марказлари ҳузурида технологияларни лицензиялаш бюрolari ташкил қилинган.



Масалан, Германияда илмий-тадқиқот фаолияти натижаларини тижоратлаштириш билан Мюнхен техник университети шуғулланади. Университетда илмий-тадқиқот фаолияти натижаларини тижоратлаштиришга қаратилган қуйидаги тузилмалар яратилган:

1) Тадбиркорлик маркази (TUM Entrepreneurship) учта тузилмани ўз ичига олади:

a. UnternehmerTUM GmbH таркиби маслаҳатлар беради, бизнес-режалар тузади, институционал инвесторларни қидиради, семинарлар ўтказиши;

b. GründerTUM – Workshop, маркетинг, молия ва молиялаштиришга, ҳуқуқий саволларнинг ҳимоясига, патентларни сотиш ва сотиб олишга жавоб беради;

c. GründerLAB тузилмаси аслида бизнес-инкубатор: у маъмурий бинолар ва музокаралар учун хоналар, прототипларни ишлаб чиқариш имкониятига эга инновацион лаборатория билан таъминлайди;

2) Тадқиқотлар ва инновацион трансфер офиси (TUM ForTe, the Office for Research and Innovation Transfer) – технологиялар трансферига қўмаклашиш, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ихтирочиларга маслаҳат бериш, патентга тегишли илмий-тадқиқот фаолияти натижаларини аниқлаш ва шу каби бошқа вазифаларни амалга оширади;

3) Патент ва лицензиялаш офиси (TUM Patent and Licensing Office) – технологияларни бозорга олиб чиқиш юзасидан мижозлар билан музокара қилиш, лицензиялар бўйича шартномалар тузиш каби вазифаларни амалга оширади⁶.

Японияда 1995 йилда “Илм-фан ва технология асослари тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Орадан бироз вақт ўтиб 1998 йилда “Университетлар ва бошқа давлат илмий-тадқиқот институтларида яратилган технологияга оид илмий иш натижаларини хусусий секторга трансфер қилишни қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги қонун қабул қилинади. Ушбу қонун қисқартирилган ҳолда “TLO қонуни” номи билан ҳам юритилиб, Японияда илк бор Технологияларни лицензиялаш ташкилотлари (TLO, Technology Licensing Organization) фаолиятини бошлашига асос яратиб берди.

1998 йилги TLO қонунидан кейин ташкил этилиши бошланган Технологияларни Трансфер қилиш Ташкилотлари (бундан кейин TLO) университет тадқиқотчилари яратган илмий-тадқиқот натижаларини патентлаб, патентланган технологияларни хусусий сектор компанияларига лицензиялаш билан шуғулланувчи ташкилот ҳисобланади. Бугунги кунда Японияда 35 та расман рўйхатга олинган TLO ўз фаолиятини кўрсатаётган бўлиб, улар Япониянинг турли ҳудудларида жойлашган. TLOларни ташкил этиш шакли асосан 2 хил бўлади: университет таркибида (ички) ёки университетдан ташқарида (ташқи) алоҳида ҳуқуқий шахс сифатида.

TLOларнинг технологияларни трансфер қилиш амалиёти⁷



Кейинчалик 1999 йилда Японияда Bayh-Dole қонунининг японча кўриниши деб ҳам номланадиган “Саноатни қайта жонлантириш бўйича махсус чора-тадбирлар тўғрисида”ги қонун қабул қилинади. Ушбу қонуннинг 30-моддасига мувофиқ университетлар давлат грантлари асосида яратилган илмий-тадқиқот натижаларини хусусий компанияларга ўтказиш ва-

коллатига эга бўлади. Аниқроқ қилиб айтганда, давлат томонидан молиялаштирилган илмий-тадқиқот натижасида қўлга киритилган ихтиро сингари интеллектуал мулк ҳуқуқлари қуйидаги 3 та шарт бажарилган ҳолатда университетлар (ёки давлат гранти асосида илмий-тадқиқотни амалга оширган тузилмалар) томонидан мустақил равишда фойдаланиладиган бўлди:

➡ *илмий-тадқиқот натижаси ҳақида (интеллектуал мулк ҳақидаги маълумот билан бирга) кечиктирмасдан давлатни хабардор қилиш;*

➡ *давлат оммавий манфаат йўлида зарур деб топган ҳолатларда, давлатга бепул асосда фойдаланиш лицензиясини бериш;*

➡ *университет ўзи фойдаланмаётган илмий-тадқиқот натижаларини учинчи шахсларга фойдаланишга бериш.*

Шунингдек, 2006 йилда Японияда “Таълим асослари тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш киритилади. Бунгача университетларнинг асосий вазифалари сифатида илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш ва кадрларни тайёрлаш бўлган бўлса, янги ўзгартириш билан университетларнинг “учинчи вазифа”си сифатида илмий-тадқиқот натижаларини жамият ривожини учун етказиб бериш ҳам қўшилди.

Мамлакатимизда ҳам Президентимизнинг “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори билан олий таълим муассасалари тузилмасида илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича бўлинмалар ташкил этилган. Мазкур бўлинмаларнинг асосий вазифаси сифатида қуйидагилар белгиланган:

➡ *бозорни тизимли равишда таҳлил қилиш ва инновацион маҳсулот (иш, хизмат)ларга бўлган талабни ўрганиш, ўзини қоплаш муддатини, рентабеллик ва инновацион маҳсулотларни тижоратлаштириш билан боғлиқ хатарларни баҳолаш;*

➡ *юқори тижорат салоҳиятига эга ва амалга оширишга тайёр бўлган, ўзлаштириш учун истиқболли лойиҳаларни танлаб олиш;*

➡ *инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун инвесторлар, шериклар ва бошқа манфаатдор шахсларни жалб қилиш;*

➡ *янги технологияларни жорий қилиш ва инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида саноат корхоналари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.*

Юқорида келтириб ўтилган фикр-мулоҳазалар ва фактлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги ишларни амалга ошириш таклиф қилинади:

1) сўнги йилларда инновацион тизимда “университет (илмий-тадқиқот институти) => технологиялар трансфери маркази => саноат корхонаси” занжири алоҳида аҳамият касб этаётганлигини инобатга олиб, олий таълим муассасалари тузилмасида илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича бўлинмалар фаолиятини АҚШ, Япония, Германия каби мамлакатлар университетларида фаолият юритувчи Технологиялар трансфери марказлари фаолияти билан мувофиқлаштириш;

2) *илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича бўлинмалар кадрлар таркибининг аниқ (табiiй ёки бошқа) фан бўйича мутахассис, иқтисодчи ва ҳуқуқшуносдан иборат бўлишига қаратилган чора-тадбирларни кўриш;*

3) *ички трансфер технологиялари маркази (илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича бўлинма) билан бир қаторда ташқи трансфер марказлари фаолиятини йўлга қўйишнинг ташкилий-ҳуқуқий чораларини кўриш. Бунда АҚШ ва Япония қонунчилиги тажрибасидан кенг фойдаланиш;*

4) *тадқиқот натижасига патент олиш, технологиялар трансфери ва уларга бўлган ҳуқуқларга риоя қилиниши каби масалалар билан шугулланувчи мутахассис кадрлар – инновация бошқарувчиларини тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш.*

5) *инновация бошқарувчилари иштирок этувчи технологиялар трансфери тизимини йўлга қўйиш. Ушбу тизим бўйича интеллектуал мулк объектлари тадқиқот маркази (университет, фанлар академиясида, илмий-тадқиқот институти)да ишлаб чиқилади, кейин эса уларни тижоратлаштириш бўйича тажрибага эга бўлган ҳамкорлар (воситачилик фирмаси) билан биргаликда марказда ишлаб чиқилган вояни фойдаланишга тайёр ҳолга келтира оладиган янги компания тузилади. Ҳамкор (инновацион бошқарувчи) янги технологияни қўллашдан манфаатдор бўлган саноат компанияси, шунингдек янги компания учун инвесторни топиш билан шугулланади. Янги компания тадқиқот марказига интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш учун лицензия тўловларини тўлайди. Лойиҳа муваффақият қозонган тақдирда янги компания тадқиқот марказига илмий ишланмаларга янги буюртма бериши мумкин ва ушбу жараён қайта такрорланаверади.*

Илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштиришнинг ушбу моделдан Буюк Британия, АҚШ университетларида бажарилган илмий ишланмаларни тижоратлаштиришда самарали фойдаланилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2021.pdf.
2. https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2020/uz.pdf.
3. Bayh, B., 2006, Bayh-Dole: Don't Turn Back the Clock, Les Nouvelles, December 2006, pp. 215-218.
4. Levine, D. Re-inventing the Workplace, Washington, Brookings Institute, 1995..
5. <https://deshpande.mit.edu/>.
6. Technical University of Munich (<https://www.tum.de/en/innovation/>)
7. М.Қўчқоров. Интеллектуал мулкни тижоратлаштиришда Япония тажрибаси: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил. “Инновация ва интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро стандартларни Ўзбекистонда қўллаш муаммолари: интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш ва баҳолаш” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Т.: ХСТИ, Электрон нашр. 2021. 58-66-бетлар.



Учкун САМАНДАРОВ,
Термиз туман-лараро маъмурий судининг судьяси

ЭГИЛГАН ҲАҚИҚАТ СУД ЙЎЛИ БИЛАН ТИКЛАНДИ

Кейинги йиллардаги суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг самарасини шунда кўришимиз мумкинки қайси ташкилот ёки идора қонунга хилоф қарорлар қабул қилган бўлса фуқаролар ёки юридик шахсларнинг аризаларига биноан у суд йўли билан қонуний ечимини топмоқда. Сир эмаски, авваллари бу жараён турли сабабларга кўра қийин кечган. Ҳокимият, прокуратура каби номининг ўзи кишини сескантирадиган идоралар билан судлашиш кишилар тасаввурида шамол тегирмонларига қарши курашишдек гап эди. Бугун эса инсонлар суд йўли билан эгилган ҳақиқатни тиклаш мумкинлигига амин бўлишмоқда. Фикрларимизни бир жараён мисолида далиллашга ҳаракат қиламиз.

Аризачи “Х” МЧЖ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар Шўрчи туман ҳокимининг 2020 йил 26 мартдаги Қ-638-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлар ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, Шўрчи туман ҳокимининг 2017 йил 19 октябрдаги Қ-1839-сонли қарори билан “Х” МЧЖга ёрдамчи хўжалик юритиш ва экспортбоп экинларни етиштириш учун 4,0 гектар ер майдони эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратиб берилган.

“Х” МЧЖга ажратилган мазкур ер майдони кадастр идораси томонидан 2017 йил 14 ноябрда давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда бу ҳақида ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг гувоҳномаси ҳам берилган.

Кадастр агентлигининг Шўрчи тумани филиали маълумотномасида ушбу ер майдони “Х” МЧЖ номида рўйхатдан ўтганлиги қайд этилган.

Орадан сал кам уч йил ўтгач, яъни 2020 йил 16 мартда Шўрчи туман прокурори “Х” МЧЖга ёрдамчи хўжалик юритиш учун 4,0 гектар ер майдони ажратиш ҳақидаги қарор чиқарилишида амалдаги қонун меъёрлари бузилганлиги сабабли ҳокимнинг 2017 йил 19 октябрдаги Қ-1839-сонли қарорини бекор қилишни сўраб протест киритган.

Прокурор протести қаноатлантирилиб “Х” туман ҳокимининг 2020 йил 26 мартдаги Қ-638-сонли қарорига асосан, Шўрчи туман ҳокимининг 2017 йил 19 октябрдаги “Х” МЧЖга 4,0 гектар ер майдони ажратиш тўғрисидаги Қ-1839-сонли қарори бекор қилинган.

Амалдаги қонунчиликка кўра, хусусан Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги 913-ХII-сонли қонуни талабига кўра, туман ҳокимининг туман прокурорининг протестига асосан

“Шўрчи” тумани ҳокимининг 2017 йил 19 октябрдаги Қ-1839-сонли қарорини бекор қилиши қонунга зид ҳисобланмайди. Аммо, бу ўринда қонунга зид ҳолат — ҳоким илгари қабул қилинган қарорни бекор қилишдан аввал манфаатдор шахснинг ишончини ҳимоя қилиши лозим бўлган ҳолатларни инobatга олмаганлиги, манфаатдор шахсни ушбу масала юзасидан хабардор қилмаганлиги ёки уни огоҳлантирмаганлигидир.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январдаги “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуни 33-моддасига кўра, “тегишли тарзда хабардор қилиш фактини исботлаш мажбурияти маъмурий органнинг зиммасида бўлади”.

Жавобгарнинг вакили 2017 йил 19 октябрдаги Қ-1839-сонли қарорни бекор қилишдан аввал ҳокимлик томонидан манфаатдор шахс хабардор қилинганлиги ва иштироки таъминланганлиги ҳақида асосли ҳужжатларни судга тақдим эта олмади ва ўз тушунтиришида туман ҳокимининг 2017 йил 17 октябрдаги Қ-1839-сонли қарорини бекор қилишдан олдин ҳокимлик томонидан “Х” МЧЖ тегишли тарзда хабардор қилинмагани, чақирув хати юборилмагани ва иштироки таъминланмагани ҳамда аризачи томонидан қилинган ишлар жойига бориб ўрганилмаганини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунининг 9-моддасига кўра, маъмурий орган манфаатдор шахсга маъмурий ҳужжатни қабул қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатлар юзасидан ўз фикрини билдириш имкониятини бериши шарт.

Ушбу қонуннинг 19-моддасига кўра, маъмурий ҳужжат ва ҳаракатлар маъмурий тартиб-таомилларнинг тамойилларига мувофиқ бўлиши керак. Маъмурий тартиб-таомилларга номуво-

фиқлик маъмурий ҳужжатлар ва ҳаракатларнинг бекор қилинишига ёки қайта кўриб чиқилишига олиб келади.

Гарчанд, қонуннинг 59-моддаси тўртинчи қисмида, маъмурий ҳужжат қонунчиликка мувофиқ эмас деб топилган тақдирда, у маъмурий орган томонидан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши кераклиги белгиланган бўлса-да, қонуннинг 59-моддаси бешинчи ва олтинчи қисмига кўра:

маъмурий ҳужжатни бекор қилиш ёки ўзгартириш масаласи суд тартибида кўриб чиқилиши; агар манфаатдор шахс маъмурий ҳужжатнинг қонуний кучига ишониб, маъмурий ҳужжат асосида олинган мол-мулкдан фойдаланган, ўз мулкни тасарруф этиш учун битим тузган ёки маъмурий ҳужжатда белгиланган наф ва имтиёзлардан бошқача тарзда фойдаланган бўлса, унинг ишончи ҳимоя қилиниши;

маъмурий ҳужжат манфаатдор шахснинг аризаси ёки шикоятига кўра ушбу ҳужжатни қабул қилган ёки юқори турувчи маъмурий орган томонидан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа органлар томонидан ҳам бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкинлиги, манфаатдор шахснинг ишончи ҳимоя қилиниши лозим бўлган ҳолларда, маъмурий ҳужжатни бекор қилиш ёки ўзгартириш масаласи суд тартибида кўриб чиқилиши кераклиги белгилаб берилган.

Судда аниқланган ҳолатлар ва тўпланган далилларга кўра, манфаатдор “Х” МЧЖ 2017 йил 19 октябрдаги туман ҳокимининг Қ-1839-сонли қарори кучига ишониб, унга ажратилган 4,0 гектар ер майдонида экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинлари экиб, шартнома асосида Россия Федерациясига экспорт қилиб виждонли ҳаракат қилиб келган.

Бундан ташқари, қайд этилган қонуннинг 60-моддасида маъмурий ҳужжатни бекор қилиш тартиб-таомили кўрсатилган бўлиб, ушбу модданинг 2-қисмига кўра, маъмурий ҳужжатни манфаатдор шахс манфаатларига зид равишда бекор қилиш (агар қонунда бошқача ҳоллар назарда тутилмаган бўлса) мажлисда қайта кўриб чиқиш орқали амалга оширилади. Агар маъмурий ҳужжатни бекор қилиш бир манфаатдор шахснинг фойдасига, аммо бошқа манфаатдор шахснинг зарарига амалга оширилаётган бўлса, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

Бироқ, Шўрчи туман ҳокимлиги томонидан “Х” МЧЖга 4,0 гектар ер майдони ажратиш тўғрисидаги 2017 йил 19 октябрдаги Қ-1839-сон-



ли қарорини бекор қилиш масаласи унинг иштирокида мажлисда кўриб чиқилмасдан, унинг ишончи ҳимоя қилинмасдан 2020 йил 26 мартдаги Қ-638-сонли қарор билан қонун талабларига зид равишда бекор қилинган.

“Маъмурий тартиб таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг 16-моддасига асосан, виждонан ҳаракат қилувчи манфаатдор шахсларнинг маъмурий ҳужжатга бўлган ишончи қонун билан кўриқланишини инобатга олиб, суд “Х” МЧЖнинг ерга нисбатан ҳуқуқини бекор қилиш, уни бошқача усулларда чеклаш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатларни қонунга хилоф, деб ҳисоблади.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 189-моддаси иккинчи қисмига кўра, суд устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонун ҳужжатларига зид эканлигини ҳамда аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузётганлигини аниқласа, қарорни ёки унинг айрим қисмларини ҳақиқий эмас, ёхуд ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф, деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади.

Суд юқорида кўрсатилган қонун талаблари ва судда аниқланган иш ҳолатларидан келиб чиқиб “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг бир қатор талабларига риоя қилмасдан, аризачи “Х” МЧЖнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатлари бузилган, деб ҳисоблади ва Шўрчи туман ҳокимининг 2020 йил 26 мартдаги Қ-638-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топиб, туман ҳокимлиги фаолиятида қонунчилик ҳужжатларининг бузилгани аниқланганлиги сабабли туман ҳокимлигига нисбатан хусусий ажрим чиқаришни лозим топди.

Қонун талабларининг тўғри қўлланилганлиги ва ҳолатларнинг синчиклаб ўрганилганлиги боис мамлакат ривожига ҳисса қўшаётган, иш ўринлари яратиш билан бир қанча оилаларнинг фаровонлигига сабаб бўлаётган корхона фаолияти қайта йўлга қўйилиб кишиларда суд-ҳуқуқ тизимига нисбатан ишонч мустаҳкамланишига эришилди.

ЖИНОЯТЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ: ОИЛА, МУҲИТ ВА ТАРБИЯ

АННОТАЦИЯ:

ушбу мақолада оилага ва ёшларга қарши жиноятларда жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар, ушбу турдаги жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш масалалари тадқиқ қилинган.

Таянч сўзлар: *жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар, жиноят хавфи, жазо тайинлаш, жиноят содир этиш, жиноий қилмиш, тажовуз, оилага ва ёшларга қарши жиноятлар, жавобгарлик, вояга етмаганлар, уюшган гуруҳ, жиноий уюшма, тил бириктирган ҳолда жиноятни содир этиш*

АННОТАЦИЯ:

в статье исследуются обстоятельстваотягчающие ответственность преступлений против семьи и молодежи, а также вопросы повышения ответственности за эти виды преступлений.

Ключевые слова: *обстоятельства, отягчающие наказание, угроза преступления, назначение наказания, совершение преступления, преступное деяние, агрессия, преступления против семьи и молодежи, ответственность, несовершеннолетние, организованная группа, преступное сообщество, сговор.*



Бугун жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг ёшлар ўртасида кузатилаётгани аччиқ ҳақиқат. Ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятлар умумий жиноятларнинг салмоқли қисмини ташкил этиши ҳам сир эмас. “Қасални даволагандан кўра, олдини олган маъкул”, деган нақлга амал қилган ҳолда жиноят билан курашишда дастлаб ёшларни жиноят қилишга ундайдиган сабаблар, ҳолатларни аниқлаб, уларни бартараф этиш чораларини кўриш жиноятчиликнинг камайишига олиб келиши амалиётда ўз исботини топган. Аксарият ҳолларда ёш болалар жиноятни ўз ташаббуси билан эмас кимнингдир кўрсатмаси, мажбурлови ёки алдови туфайли содир этади. Ёшлар орасидаги жиноятларнинг илдизи ҳам худди шу жиҳатлардан қидирилмоқда.

Ёш болалардан жиноят содир этишда фойдаланиш икки томонлама хусусиятга эга. Бунда айбдор уларга илтимос қилиш, кўндириш, мажбур қилиш, сотиб олиш, моддий нарсалар ваъда қилиш, совғалар бериш йўллари орқали таъсир қилиши мумкин. Субъект бундай ҳолда тегишли ҳаракатнинг ижтимоий мазмуни ва мақсади ҳақида айтмай ёш бола қандай ҳаракатларни бажариши кераклигини тушунтириши, масалан, ниманидир қаергадир олиб бориши, ёқиб юбориши, кимнидир уриши, кимнидир ечинтириши ва ҳоказоларнинг ўзи билан чекланади.

Шахс инсон сифатида жамиятдаги барча ижтимоий муносабатлар таъсирида шаклланади. Шахснинг ривожланиши, у бевосита муносабатда бўладиган шахслар ва атрофидаги оламнинг ривожланиши билан боғлиқдир. Лекин ҳар бир шахснинг шаклланишида унинг ҳаёт йўли, оилавий яшаш шароити, шахсий характери катта роль ўйнайди. Ижтимоий шароит, ташқи муҳит инсон руҳиятига, унинг ички дунёсига таъсир қилади. Шунинг учун ҳам ёш авлодни тарбиялаш масаласига жуда катта аҳамият берилади.

Вояга етмаганларнинг камол топишида асосан ижтимоий муҳит, оила ва мактабдаги тарбия масалаларидаги камчиликлар, у яшаётган муҳитдаги ахлоқий муаммолар салбий таъсир қилиши мумкин. Натижада айрим вояга етмаганларнинг жиноят йўлига кириб қолиш эҳтимоли юқори бўлади.

Криминологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, жиноят содир этган ёшларнинг аксарият қисмини юқори ёшдаги ва яшаш шароити, моддий таъминоти яхши бўлмаганлар яна салмоқли қисмини эса яшаш шароити, моддий таъминоти яхши бўлган ва асосан кам фарзандли оилаларда тарбияланганлар ташкил этар экан. Бундан ташқари жиноятларга ота-оналарнинг фарзандлари тарбиясига аҳамият бермаганлиги, оиладаги турли ёмон ҳолатларнинг таъсири ҳам сабаб бўлган.

Шахнинг вояга етмаган даври рухий жараёнларнинг мураккаблиги, характернинг шаклланиши, берилувчанлик, ишонувчанлик, турли қарама-қаршиликларнинг мавжудлиги билан характерлидир. Жиноят ва жиноятчиликнинг пайдо бўлишини тадқиқ этиш жараёнида бир қанча назариялар яратилган. Мисол учун ёш бола бошқаларнинг хулқ-атворини кузатади, ўрганади ҳамда уларга ўхшашга ҳаракат қилади. Масалан, бола жиноят ҳодисаси содир бўлиши ва натижасини кўради (жиноий ҳаракатдан олинган бойлик, куч, рағбат, обрў ва ҳ.к.), ўрганади ва такрорлайди. Бундай хулқ-атвор айниқса ёшларда кўпроқ учрайди. Бундай ҳаракат нафақат ўзи гувоҳ бўлган жиноий ҳаракатлардан, балки медиа орқали ҳам ўрганиб амалга оширилиши мумкин. Муайян девиант ёки жиноий хулқ-атвор моделларининг такрорланиши ёки рағбатлантириш оқибатлари унга тақлид орқали жиноятчилик кўпайишига олиб келади.

Демак, бу даврда ўсмирларда ҳали ўзига ва бошқаларга нисбатан қатъий муносабат шаклланган бўлмайти. Шунинг учун ҳам вояга етмаганларни худди ана шу даврда турли салбий таъсирлардан, айниқса жамиятнинг айрим қолоқ қисмининг таъсиридан сақлаш керак бўлади. Шахс ва жамият ўртасидаги боғлиқлик 4 асосий элементдан ташкил топади: боғлиқлик, интилиш (мажбурият олиш), иштирок этиш ва эътиқод (ишонч). Масалан ота-оналари, ўқитувчилари ва бошқа яқинларига кўпроқ боғлиқ ёшлар жиноят содир этишга камроқ мойил бўлишади. Ўзбекистонда шахсларнинг жамиятга, ота-онаси ва яқинларига боғлиқлиги жиноятчиликнинг анчагина жиловланиши сабаби эканлиги ҳам ўз тасдиғини топган. Ота-она, бола-чақа каби ришталар кўплаб инсонларни ҳуқуқбузарлик содир этишдан тийиб турувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Таълим олишда юқори муваффақиятларга интилган ёшларда жиноят содир этишга мойиллик паст бўлиши таъкидланади. Ўқиш, илм олишга интилган, таълим орқали жамиятда белгиланган мақсадлари (яхши яшаш шароитлари, оила ва ҳ.к.)га етишига ишонган ёшлар кўпроқ ижтимоий назорат доирасида бўлади ва жиноят содир этиш эҳтимоли анча паст бўлади.

Демак шахсни болалиқдан интизом ва ҳурматга, ўзини назорат қилишга ўргатиш келажакда унинг жиноят содир этиши эҳтимолини пасайтиради. Бу мактабларда, мактабгача таълимда турли дастурлар (қисқа курслар, бутун таълимдаги умумий интизом ва бошқаларни ҳурмат қилишга чорловчи чора-тадбирлар ва ҳ.к.) орқали шакллантирилиши зарур.

Жиноят қонунчилигида вояга етмаганлик факти билан боғлиқ аниқ ҳуқуқий норма белгиланмаган. Жиноят ҳуқуқида эса бу борада кўпгина фикрлар мавжуд. Бизнинг фикримизча, жиноят содир этишга жалб этилган шахс у жалб этилган жинояти учун жавобгарликка тортиш ёшига етмаган бўлса, бундай шахс вояга етмаган деб топиллиши кераклиги ҳақида ЖК "Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси" номли саккизинчи бўлимида қайд этилиши лозим.

Бугун кўча-кўйда, бозорларда, жамоат жойларида тиланчилик қилаётган ногирон болаларни кўплаб учратамиз. Улар учун ёзининг жазирамаси-ю қиш қаҳратонининг аҳамияти йўқ. Ўтказилган суриштирувлар натижасида ўзини ногирон қилиб кўрсатаётган болаларнинг кўпчилиги соғлом эканлиги ёки тиланчилик қилиб юрган болаларнинг аксарияти бу ишни кимнингдир кўрсатмаси билан қилаётгани, топган пулининг катта қисмини бировларга бериши ойдинлашган. Шу ўринда қонунчиликда вояга етмаганлар ва улардан восита сифатида фойдаланиш ҳолатига қисқача тўхталиб ўтас.

Вояга етмаган шахсни тиланчиликка жалб этиш деганда, вояга етмаган шахсга нисбатан жисмоний зўрликни кўллаш ёки унга рухий тазийқ ўтказиш билан, кўрқитиш, пул бериб оғдириб олиш, авраш, алдаш йўли билан уни жамоат жойларида ёки бошқа жойларда фаол ва нофаол шаклда кишилардан пул ёки бошқа қимматликлар сўрашига мажбурлаш, қизиқтириш тушунилади. Вояга етмаган шахсни тиланчиликка жалб қилиш тушунчасига тўхталишдан олдин "вояга етмаган", "ёш бола" тушунчаларини қисқача изоҳлаб ўтамиз. Янги жиноят қонунида ёш бола деганда, у ёки бу ижтимоий ҳаракатни содир қилиб, унинг ижтимоий хавфлилигини ва ҳуқуққа хилофлигини англай олмайдиган шахслар тушунилади ва улар, табиийки қилган қилмиши учун жиноий жавобгарликка тортилмайди. Ўзининг содир қилаётган ҳаракатларининг моҳиятини англайдиган шахсларгина жиноий фаолиятга жалб қилинади. Ўз ҳаракати моҳиятини тушунмайдиган шахс жалб қилинмайди, балки жиноят содир қилишда ундан фойдаланилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керак-ки, кичик ёшдагилардан жиноят содир қилиш мақсадида фойдаланиш юқори даражадаги ижтимоий хавфлилиги билан ажралиб туради. Бундай шахслар содир қилаётган қилмишининг қай даражада ёмонлигини билмай ёки англамай жуда катта зарар етказиши мумкин. Яна бир томони ёшлиқдан жиноятчиликка мойил бўлиб ўсиш, кейинроқ хавфли жиноятчилар тоифасига мансуб бўлиб шаклланиш эҳтимоли кучлилиги билан ҳам хавфлидир.

Миратдийн НАЖИМОВ,

*Қорақалпоқ давлат университети
кафедра мудири.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик / А.С.Якубов, Р.Кабулов ва бошқалар – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. –С.325.
2. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи: Умумий қисм: Олий ўқув юрлари учун дарслик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. –Б.475.
3. Яковлев А.М. Совокупность преступлений. –М., 1964. –С. 7.
4. Караев Т.Э. Повторность преступлений. –М., 1983. –С. 17-18; Малков В.П. Множественность преступлений и ее формы по советскому уголовному праву. –Казань, 1982. –С. 12.
5. Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. –М., 1972. –С. 304.
6. Пионтковский А.А. Учение о преступлении по советскому уголовному праву. –М., 1961. –с. 633.
7. Ораздурдыев А.М. Продолжаемое преступление по советскому уголовному праву// Автореф.канд.дисс.наук. –Казань, 1984. –С. 13.
8. Уголовный кодекс Российской Федерации (Общая часть) // "Юридический вестник", 2001.



**Бахтиёр
МУСТАФАЕВ,**
Судьялар олий
мактаби
тингловчиси

ҲАЁТ ВА СОҒЛИҚҚА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР ҚАНДАЙ УНДИРИЛАДИ?

Инсоннинг соғлиги ва яшашга бўлган ҳуқуқи, яъни ҳаёти бу дунёда бошқа ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган бебаҳо неъматдир. Ҳар бир шахснинг яшаш ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фуқаронинг ҳаёти ва соғлигини қўриқлашга, унга етказилган зарарларни қоплашга қаратилган меъёрлар фақатгина фуқаролик ҳуқуқи билан эмас, балки жиноят, маъмурий ва меҳнат ҳуқуқлари билан ҳам тартибга солинади.

Фуқаролик ҳуқуқидаги меъёрлар қўриқлаш функцияларини бажаришга қаратилган ҳуқуқ соҳаларидан фарқли равишда, инсон соғлигини тиклашга, моддий йўқотишлар ўрнини қоплашга йўналтирилган.

Инсоният тарихининг қадимги антик даврлардан бошлаб инсон ҳаёти ва соғлиғига зарар етказганлик учун жавобгарлик институти шаклланган. Бунда дастлаб ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарар учун хун (қонга-қон, жонга-жон) олинган бўлса, тараққиётнинг ривожланиб бориши оқибатида хун ўрнига тоvon ундириш тизими жорий этила бошлади. Яъни жабрланувчи ёки унинг яқинлари айбдордан маълум миқдорда пул ундиришган. Бу борадаги муносабатлар аста-секин жамоада, давлат бошқаруви тизими шаклланган давлатларда ўрнатилган маълум бир қоидаларда, ҳукмдорлар томонидан ишлаб чиқилиб, тасдиқланган ҳужжатлар ҳамда диний таълимотлар (Инжил, Қуръон)да ўз аксини топа борди.

Деликт мажбуриятларнинг бир тури ҳисобланган соғлиққа етказилган зарар, яъни “шахсий шикоят” (личная обида) қадимги Рим ҳуқуқидан ҳам маълум¹.

Қадимги даврдан фарқли ўлароқ ҳозирги инсоният тараққиётининг юксак даражада ривожланган босқичида юридик фан ва амалиёт бу борадаги мажбуриятлар бўйича ўзгача ёндошув, қоида ва тушунчаларни ишлаб чиқди.

Давлатимизда деликт мажбуриятлар билан боғлиқ муносабатлар қонун ҳамда қонун ости ҳужжатларида ўз аксини топган. Айнан фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар ўрнини қоплаш билан боғлиқ муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи қонунчилиги тизими билан тартибга солинади.

Шу боис, бошқа ҳуқуқ соҳалари каби Фуқаролик ҳуқуқида ҳам инсоннинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор меъёрлар мавжуд. Бу меъёрлар қўриқлаш функцияларини бажаришга қаратилган ҳуқуқ соҳаларидан фарқли равишда, соғлиққа зарар етказилиши натижасида уни тиклаш учун қилинган харажатларни қоплашга, яъни моддий йўқотишларнинг ўрнини тўлдиришга йўналтирилади.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам инсон ва унинг ҳаёти биринчи ўринга қўйилган. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро пактнинг 6-моддасида “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан муҳофаза қилинади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳаётдан маҳрум этилиши мумкин эмас” лиги қайд этиб ўтилган².

Ҳаёт ва соғлиқни бирор-бир моддий миқдор билан ўлчаб ёки у билан тенглаштириб бўлмайди. Шу боис, ҳуқуқнинг асосий вазибаларидан бири инсоннинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 985-моддасига кўра, ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Жиноят қонунчилиги ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарар учун жиноий жавобгарликни содир этган айбдор шахсга нисбатан давлатнинг мажбурлов чоралари, яъни озодликдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари ва бошқа бир қатор чекловларни назарда тутди. Аммо фуқаролик қонунчилиги мазкур ҳолатда айбдор шахснинг моддий, яъни фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлигини белгилаб, етказилган зарарларни қоплашни ҳамда компенсация қилишни назарда тутди.

Ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарарни ундириш билан боғлиқ мажбуриятларнинг компенсаторлик (даромаддан маҳрум бўлиб қолиши, соғлигини тиклаш ёки даволаниш учун дори-дармон сотиб олишга мажбур бўлиши ва ҳк.) функцияси ҳам мавжуд бўлиб, бунда фуқаронинг соғлигини тиклаш, зарарни қоплаш учун қилган моддий харажатлари ёки унга зарар етиши натижасида яқинларининг боқувчисиз қолиши оқибатларини бартараф этишга қаратилгандир.

Ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарар билан боғлиқ муносабатларнинг яна бир хусусияти бу жабрланувчида ёки жабрланувчи вафот этган ҳолларда унинг яқинларида маънавий зарарни ундириш ҳуқуқининг пайдо бўлишидир.

Фуқаролик кодексининг 1021-моддасига кўра, маънавий зарар уни етказувчининг айби билан бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланади.

Иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш тармоқлари ривожланиб борган сари ҳаёт ва соғлиққа зарар етказувчи хавф-хатарлар кўлами ҳам кенгайиб боради. Бунга транспорт (темир йўл транспорти) ва авиация орқали йўловчи ташиш, товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ишлаб чиқарилган товарлардаги нуқсонлар орқали, ишлаб чиқаришда вужудга келаётган ишлаб чиқариш чиқиндилари натижасида ва ҳ.к. етказилиши мумкин бўлган зарарларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси “Истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасига кўра истеъмомчи нуқсонли товар, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий зиён, маънавий зарарнинг тўлиқ ҳажмда қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Қонунчилик ҳаёт ва соғлиққа зарар етказилиши мумкин бўлган ҳолатларни олдиндан ҳисобга олиб, шу муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий меъёрларни белгилаб қўйган. Бунда жабрланувчи бўлиши мумкин бўлган шахс (истеъмомчи) ларга қатор ҳуқуқлар берган.

Ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарар билан боғлиқ муносабатлар одатда жиноий оқибатлар билан бевосита боғланган бўлиши ҳам мумкин. Врачнинг беморни нотўғри даволаши унинг жиноий жавобгарликка тортилиши масаласини келтириб чиқариши ёки ошиқча хавф манбаи эгаси йўл қоидасига риоя этмаганлиги ёхуд қўпол тарзда бузганлиги оқибатида бошқа шахсга зарар етказса албатта фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик билан бир вақтда жиноий жавобгарлик ҳолати юзага келади.

Барча ҳолларда ҳам ҳаёт ва соғлиққа зарар етказилиши фуқаролик ва жиноий оқибатлар билан боғлиқ бўлган муносабатлардан келиб чиқавермайди. Мисол учун, Меҳнат шартномалари асосида тегишли корхона ёки ташкилотда ёхуд давлат хизмати мажбуриятларини бажаришда ҳам инсон ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилиши мумкин.

Меҳнат кодекси 187-моддасига кўра, “ўз меҳнат вазифаларини бажараётган ёки меҳнат қилиш имкониятидан ғайриқонуний равишда маҳрум этилганлиги натижасида ходимга, боқувчиси иш билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда эса, — унинг оила аъзоларига (192-модданинг биринчи қисми) етказилган ҳар қандай (шу жумладан, маънавий) зарарни иш берувчи, башарти ушбу Кодексда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, тўлиқ ҳажмда тўлайди”.

Маънавий зарар пул шаклида ёки бошқа моддий шаклда иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишувга мувофиқ, ходим меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда эса, — иш берувчи ва вафот этган ходимнинг оила аъзолари ўртасидаги келишувга мувофиқ равишда белгилан-



ган миқдорда қопланади. Маънавий зарарни қоплаш юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, бу масала судда кўриб чиқилади.

Кодекснинг 189-моддасида, ходимга меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли етказилган зарарни иш берувчи тўлиқ ҳажмда тўлаши шартлиги белгиланган. Меҳнатда майиб бўлиш оқибатида ёки ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли ходимга етказилган зарарни иш берувчи, башарти зарар унинг айби билан келиб чиқмаганлигини исботлаб беролмаса, тўлаши шарт.

Меҳнат муносабатларида юзага келган ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарар “иш берувчи айби билан ҳам ходим айби билан ҳам юзага келиши мумкин”лиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунчилигига мувофиқ, меҳнат шартномасининг бир тарафи (иш берувчи ёки ходим) меҳнат соҳасидаги вазифаларни бажариши муносабати билан бошқа тарафга етказилган зарарни меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга асосан қоплаши лозим. Етказилган зарарни бундай тарзда қоплаш мажбурияти меҳнат ҳуқуқи бўйича моддий жавобгарлик, деб аталади.

Баъзан иш берувчи айби бўлмаган ҳолларда ҳам моддий жавобгар бўлади. Масалан, иш берувчи юқори хавф манбаи натижасида ходимнинг соғлиғига етказилган зарар учун моддий жавобгар қилиниши мумкин (Меҳнат кодексининг 189-моддаси)³.

Инсон ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар ўрнини қоплаш борасидаги қонунчилик меъёрлари жамият ривожланишига мос тарзда такомиллашиб бориши лозим. Қонунчиликнинг такомиллашиши ўз навбатида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи янада ишончли тарзда ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Н.А.Иванова. Возмещение вреда, причиненного жизни или здоровью гражданина. Автореферат 2007. <https://viewer.rusneb.ru/ru/rsi01003059856?page=3&rotate=0&theme=white>.
2. БМТ “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро пакт 16.12.1966 й. Ўзбекистон 31.08.1995 йилда қўшилган.
3. А.Иноятов “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ҳуқуқи” дарслик Т. 2002 й. 263-бет. <https://drive.google.com/file/d/1RZqppLhdyLm7r6zhDpeqoc8V6EoQcLv/view>.

МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ҚАРОРЛАРИ ЮЗАСИДАН СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДАГИ МУАММОЛАР

Суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири Давлатимиз раҳбари ўзининг сайловолди дастурида таъкидлаганидек, “мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш, бу борада маъмурий судларнинг ўрни ва ролини кучайтириш мақсадида, судларнинг ваколатларини кенгайтириш, маъмурий судларга давлат идоралари томонидан етказилган зарарни қоплаш ва бошқа ҳуқуқий оқибатларга оид масалаларни ҳал қилиш ваколатини бериш масаласига эътибор қаратишдан иборатдир”. Президентимизнинг юқоридаги фикрларидан шу нарса англашилади-ки халқнинг, жамиятнинг манфаатига зид қарор қабул қилган шахснинг ким бўлишидан қатъи назар қонун олдида жавобгарлиги таъминланиши лозим.

Бундан ташқари, дастурда қарорнинг ноқонуний эмаслигини судда исботлаш мажбуриятини уни қабул қилган мансабдорнинг ўзига юклаш, мансабдор шахслар маъмурий суд қарорини ба- жармаган тақдирда уларга нисбатан “ошиб борадиган” жарима ва бошқа ҳуқуқий чораларни қўллаш тартиби борасида ҳам кескин фикрлар илгари сурилган эди. Бугунги кунда қонунчиликнинг айнан шу соҳасидаги бўшлиқни тўлдириш ва Давлатимиз раҳбари томонидан қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасини ислох қилиш борасидаги таклифларидан келиб чиққан ҳолда мансабдор шахсларнинг қарорларини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг ўзига хос хусусиятлари юзасидан қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни вазият тақозо этмоқда. Аввало қонунларимизда мансабдор шахслар қарорлари ва уларни бекор қилиш масаласига қай даражада ўрин берилганлигини кўриб ўтсак.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган 913-XII-сонли “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 29-моддасига кўра “Ҳокимнинг Ўзбе-

кистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатларига зид, прокурор протест билдирган қарорлари шу ҳокимнинг ўзи, юқори турувчи ҳоким ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, заруратига қараб эса Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайта кўриб чиқилиши¹” белгиланган.

Бироқ, 2019 йил 8 январдан бошлаб кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунини 59-моддасининг иккинчи қисмига кўра, маъмурий ҳужжатни бекор қилиш ёки ўзгартириш зарурияти юзага келган вазиятларда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда маъмурий орган ўзи қабул қилган ҳужжатни ўз ташаббусига кўра бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақли. Мазкур модданинг тўртинчи қисмига кўра эса, маъмурий ҳужжат қонунчиликка мувофиқ эмас деб топилган тақдирда, у маъмурий орган томонидан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши керак².

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуннинг 18-моддаси тўртинчи қисмига кўра, тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовутлар бўлган тақдирда, кейинроқ қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қоидалари амал қилади³.

Демак, амалдаги қонунчилигимизга кўра, маъмурий орган ҳисобланган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахслари ўзлари қабул қилган маъмурий ҳужжатларининг қонунчиликка номувофиқлигини аниқлаган ҳолларида уни бекор қилиш ваколатига эга ҳисобланади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг



29-моддасини, “Ҳокимнинг қарори Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатларига зид эканлиги аниқланганда, прокурор протест билдирганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда маҳаллий давлат ҳокимияти органи ўзи қабул қилган маъмурий ҳужжатни ўз ташаббусига кўра, шу ҳокимнинг ўзи, юқори турувчи ҳоким ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, заруратга қараб эса Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайта кўриб чиқилади” деган таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Судлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг қарорларини ҳақиқий эмас ёки хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш натижасида суднинг ҳал қилув қарори билан мансабдор шахсларга фақат низо предмети бўйича мажбурият юклаш билан чекланади.


Бироқ, бу билан ариза орқали мурожаат қилган шахснинг ҳуқуқлари суд томонидан тўлиқ ҳимоя қилинмаган ҳисобланади. Чунки, мансабдор шахснинг ғайриқонуний хатти-ҳаракати ёки қонунга зид қарори натижасида фуқаро ва тадбиркорлар ёки юридик шахслар моддий ва маънавий зарар кўриши табиий. Ушбу ҳолатда етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласида фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжуд бўлса-да, бироқ амалиётда ҳар доим ҳам ушбу ҳуқуқдан фойдаланилмайди. Чунки, етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш учун манфаатдор шахс судга тегишли тартибда такроран ҳужжатлар тайёрлаши, давлат божи ва почта харажатларини тўлаши, бундан ташқари, яна суд муҳокамасини кутиши керак бўлади. Бундай имконият ҳаммада ҳам бўлавермайди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 38-моддасига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида келтирилган зарарни қоплаши шарт.

Башарти маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш оқибатида жисмоний шахсга, корхона, муассаса, ташкилотга, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи ёки давлатга етказилган мулкӣ зарар белгилаб қўйилган базавий ҳисоблаш миқдоридан кўп бўлмаса, жазо қўлланиш пайтида айбдор бу зарарни қоплаши тўғрисидаги масалани ҳам ҳал этишга ҳақлидир.

Бошқа ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган мулкӣ зарарни қоплаш фуқаролик-ҳуқуқӣ тартибда ҳал қилинади⁴.

Демак, юқоридагиларни инobatга олган ҳолда, маъмурий судлар томонидан ҳам оммавий-ҳуқуқӣ муносабатдан келиб чиқадиган, судда айнан кўрилатган низо предмети бўйича



зарарни қоплаш масаласини бир вақтда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Чунки, жавобгар маъмурий органнинг ноқонуний қарори ва хатти-ҳаракати оқибатида ҳар қандай шахс моддий ва маънавий зарар кўриши мумкин.

Маъмурий судларда зарар масаласини ҳал этиш орқали биринчидан, аризачининг фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш таъминланса, иккинчидан келажакда маъмурий органлар томонидан қасддан қонун талабларини бузиш ҳолатлари камайишига, учинчидан, етказилган зарарни ундириш бўйича фуқаролик судига қайта мурожаат қилмасдан фуқаро ва юридик шахсларнинг вақти ва маблағи тежалишига эришиш мумкин.

Юқоридагиларни инobatга олган ҳолда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 27-моддаси иккинчи қисмини “Суд фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқӣ муносабатлар натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги масалани ҳал қилади” тарзда баён этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Маҳмуджон ЭШИМБЕТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди судьяси,
Нозимахон ТОЖИЕВА,
Наманган
туманлараро
маъмурий суди судьяси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган 913-XII-сон қонуни, 29-модда.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январда қабул қилинган 457-сон қонуни, 59-модда.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелда қабул қилинган 682-сон қонуни, 18-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон; 38-модда.



**Султанмурат
ДАВЛЕТМУРАТОВ,**
Қорақалпоғистон
Республикаси
судининг судьяси

ЖИНОИЙ ЙЎЛ БИЛАН ТОПИЛГАН МОЛ-МУЛК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

АННОТАЦИЯ:

мақолада бугунги кунда ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар орасида энг кўп содир этиладиган – жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказишдаги ҳаракатларни содир этганлик учун жиноий жавобгарлик масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: *жиноят, мулк, ўзгалар мулки, жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш, талон-тарож қилиш, жиноий йўл билан топилган мулк.*

Аввало, ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги даврда ривожланган давлатларда ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар, жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш, иқтисодиёт соҳасида содир этилаётган жиноятлар долзарб масала ҳисобланади. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар туфайли давлат ёки фуқароларга нафақат бошқалар мулкни талон-тарож қилиш, балки ўзганинг мулкни қонунга хилоф равишда эгаллаш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳам зарар етказилиши мумкин. Бунда ўзганинг мулкни тўғридан-тўғри олиш ёки ўтказиш ҳолатлари бўлмаса ҳам, бироқ ушбу ҳаракатлар мулкний муносабатларнинг ноқонунийлиги ва фуқароларнинг мулкний дахлсизлигига жиддий хавф туғдириши натижасида мамлакатимизнинг барча соҳаларига салбий таъсир қилади.

Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш билан боғлиқ жиноий жавобгарликка кўпчилик мутахассислар “Қонунга биноан, та-

лон-тарож белгилари мавжуд бўлмаган шароитда мулкка тажовуз қиладиган ижтимоий хавфли қилмиш” – дея таъриф берадилар¹.

Ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар дейилганда — айбдор шахснинг хатти-ҳаракатларида тўғридан-тўғри ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш аломатлари мавжуд бўлмаса-да корхона, муассаса ва ташкилотларнинг, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкига зарар етказадиган ёки уни нобуд қиладиган Жиноят кодекси билан тақиқланган айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) тушунилади.

Ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятларнинг махсус объекти бу иқтисодий соҳадаги муносабатлар бўлса, унинг бевосита объекти мулкний муносабатларни тартибга солувчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятларни содир этишнинг объектив томони шахснинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига тажовуз қилиши мумкин бўлган ҳаракат ёки ҳаракатсизликда ифодаланади. Бунда содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш ҳамда жиноий оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш асосий аҳамиятга эгадир. Боғланиш аниқланмаганлиги таҳлил этилаётган ҳолатда жиноят таркиби мавжуд эмаслигини англатади. Ушбу турдаги жиноятлар қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этилади. Кўриб чиқиладиган жиноят таркибларининг аксарият қисмида қонунбузарликлар қасддан содир этилади (Жиноят кодексининг 170, 171, 173-моддалари). Ушбу жиноятларнинг субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин. Фақат Жиноят кодексининг 173-моддаси иккинчи ва учинчи қисмла-

Ўз ризқига ҳеч

қаноат этмаган,

Термулар, киши

ошига зор бўлар.

МАХТУМҚУЛИ

рида назарда тутилган жиноят субъектининг ёши 14 ёш деб белгиланган. Жиноят кодекси 172-моддасида кўрсатилган жиноятда субъектининг умумий белгиларини аниқлаш билан бирга унинг қонун меъёрларида назарда тутилган қўшимча белгисини ҳам аниқлаш шартдир.

Ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар орасида энг кўп содир этиладигани бу жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш бўлиб, бундай ҳаракатларни содир этганлик учун амалдаги Жиноят кодексининг 171-моддасида жавобгарлик белгиланган.

Мазкур моддани таҳлил қилишдан олдин мулк, жиноий йўл билан топилган мулк ва жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш каби тушунчаларга ойдинлик киритиш мақсадга мувофиқ. Мулк деганда, муайян қимматликка эга бўлган ёки уни олганда ва унга нисбатан мулк ҳуқуқни қўлга киритганда ўз қийматини йўқотмайдиган барча ашёлар тушунилади. Чунки улар фуқаролик муомаласидан чиқарилган ёки чекланган ашёлар бўлишидан қатъи назар, сотилиши ва қўлга киритилиши мумкин².

Кишиларнинг моддий неъматларни яратиш, уларни тақсимлаш ва истеъмол қилишдаги ўрни, ижтимоий ҳаётда тутган мавқеи асосан ишлаб чиқариш воситаларига қай даражада эгаллик қилишларига боғлиқ. Эгаллик шаклига кўра мулк умумий ва хусусий каби турларга бўлинади. Ўз навбатида хусусий мулк ҳам икки хил бўлади:

1) *индивидуал* — якка хусусий мулк, яъни айрим шахслар ёки оилаларга тегишли мулк;

2) *корпоратив* — хусусий мулк, бу ҳам айрим кишиларга қарашли, лекин акциядорлар жамиятидаги умумий мулкнинг бир қисми сифатида мавжуд бўлган мулк.

Корпоратив мулк дивиденд келтирувчи мулкдир. Жамоа мулки — бу жамоага ихтиёрий равишда бирлашган кишиларнинг умумий мулки бўлиб, бу мулкнинг эгалари шу жамоада меҳнат қилишлари шарт. Бу ерда мулк эгаси айни бир вақтда шу мулкни амалда ишлатувчи ҳам ҳисобланади.

Мулкнинг хусусий ва оммавий шакллари мавжуд (Фуқаролик кодексининг 167-моддаси). Хусусий мулк субъектлари фуқаролар, кооперативлар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, ижтимоий фондлар ҳамда жамоат бирлашмаларидир. Оммавий мулк — маъмурий ҳудудий тузилмалар мулки (муниципал мулк)дан иборат бўлган давлат мулки ҳисобланади³. Давлат мулки — давлат ихтиёрида бўлган, ҳокимият органлари томонидан тасарруф этиладиган монополлашган мулкдир. Бундай мулк объекти — ер, табиат ресурслари, асосий воситалар,



бинолар, молия, моддий ресурслар, ахборот, моддий ва маънавий бойликлар бўлиши мумкин. Бу мулк ижтимоий неъматларни яратишга хизмат қилади.

Мулк объекти ер ва ер ости бойликлари, корхона, бино, иншоотлар, машина ва ускуналар, тайёр маҳсулот, пул, қимматли қоғозлар, санъат ва адабиёт асарлари, илмий ва техникавий ишланмалар бўлиши мумкин. Моддий ва маънавий неъматларни амалда ўзлаштирувчилар мулк субъектлари, яъни эгалари ҳисобланади. Буларга айрим кишилар, оилалар, жамоалар ва ниҳоят давлат киради. Мулкдан амалда фойдаланиб, бундан наф кўриш мулкни иқтисодий тасарруф қилиш ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, давлат бор ерда унинг мулки мавжуд, лекин ушбу мулкнинг миллий иқтисодиётдаги улуши турли мамлакатларда фарқланади ва мамлакат иқтисодиётининг моделига боғлиқ. Фуқаролик жамияти доирасида давлат мулки тобора ижтимоийлашмоқда, яъни умуммиллий манфаатларни ҳимоя қилишга йўналтирилган. Ижтимоий мулк — тарихан собиқ социалистик мамлакатларда мавжуд бўлган. Бунда кишилар мулк эгаси сифатида тенг бўлади, шунинг учун ҳар бир кишининг жамиятдаги мавқеи, турмуш даражаси унинг меҳнати билан белгиланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик / Р. Кабулов, А. Отажонов ва бошқалар. Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. — Б. 329.
2. Рустамбоев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Махсус қисм. 4-том: Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар. Экология соҳасидаги жиноятлар. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолияти тартибига қарши жиноятлар. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган - Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. 95-98 бетлар.
3. lex.uz.

**Ахмет АКИМОВ,**

Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги университети
магистратура тингловчиси

ТЕРГОВ ВА ПРОЦЕССУАЛ ҲАРАКАТЛАР НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАРУРИЯТИ

АННОТАЦИЯ:

мазкур мақолада жиноят процессида терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида замонавий техника воситаларидан фойдаланган ҳолда тергов ва процессуал ҳаракатларни расмийлаштириш усуллари такомиллаштириш ҳамда тергов ҳаракатларини ўтказишда инсон омилнинг таъсирини имкон қадар камайтириш юзасидан амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: жиноят, жиноят-процесси, тергов ва процессуал ҳаракатлар, техника воситалари.

АННОТАЦИЯ:

в данной статье в целях обеспечения прав и законных интересов лица в уголовном процессе в соответствии с требованиями норм действующего законодательства, разработаны предложения по совершенствованию методов оформления результатов следственных и процессуальных действий с использованием современных технических средств.

Ключевые слова: уголовный процесс, следственные и процессуальные действия.

ANNOTATION:

in this article, in order to ensure that the rights and interests of a person in criminal proceedings are regulated in accordance with the requirements of the norms of current legislation, proposals have been developed to improve the current legislation on improving the methods of formalization of investigative and procedural actions using modern technical means in criminal proceedings.

Keywords: crime investigation, investigation and procedural action.

Терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговнинг сифати ва самарадорлиги, алоҳида жиноят ишлари терговининг муваффақияти, энг аввало, суриштирувчи ва терговчилар томонидан жиноят-процессуал қонунчилигининг барча тамойилларига тўла риоя қилишларига боғлиқ. Шу сабабли ҳам мазкур тамойиллардан бир оз бўлсада чекиниш фуқаролар ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади.

ЖПКнинг 22-моддасида жиноят ишлари бўйича ҳақиқатни аниқлаш жиноят-судлов ишларини юришнинг муҳим принципларидан бири сифатида белгиланиб, бунга тергов ҳаракатларини олиб бориш, керакли далиллар тўплаш, уларни процессуал қонунчилик қоидаларига мувофиқ расмийлаштириш ва объект баҳо бериш орқали эришиш мумкин.

Бизнингча, ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим. Зотан, жиноят-процессуал қонунчилигида далилларни тўплаш, расмийлаштириш, текшириш ва уларга баҳо бериш тергов ҳаракатларининг пухта, ҳар томонлама қонунларга тўла риоя этилган ҳолда ҳолисона ўтказилишини талаб қилади.

А.Давлетовнинг фикрича, суд муҳокамасида текширилган далил, суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатлари давомида тўпланган ҳамда текширилган далиллар ишга алоқадор ва ишончли, шунингдек, мақбул бўлиши ҳам шарт.

Далил ишга алоқадор, ишончли ва мақбул деб эътироф этилиши учун:

-далилни олиш тергов ҳаракатини ўтказишга ваколатли шахс томонидан амалга оширилган бўлиши;

-фактга оид маълумотлар фақат ЖПКнинг 81-моддаси 2-қисмида қайд этилган манбалардан олинган бўлиши;

-уни олиш билан боғлиқ тергов (процессуал) ҳаракатини ўтказишга оид норма ва тартибга қатъий риоя этилган бўлиши;

-уни олишда тергов ва суд процесси натижаларининг расмийлаштирилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши лозим.¹

Кўрсатиб ўтилган шартларнинг бирортаси бузилса, шунингдек, далилларни тўплаш, текшириш ва процессуал расмийлаштиришда қонунга зид усуллар қўлланган бўлса, бу ҳол далилнинг номақбул деб баҳоланишига асос бўлади. Исбот қилишда далилни қонунга хилоф усулда тўплаш ва уни текширишда

ноқонуний ҳаракатлар учун жавобгарлик халқаро ҳуқуқ меъёрлари ҳамда мамлакатимиз миллий қонунчилигида ўз ифодасини топган.

Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси томонидан 1975 йил 6 декабрда қабул қилинган "Барча шахсларни қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларидан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги декларациянинг 12-моддасида далил ҳар қандай қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала натижасида олинганлиги аниқланган тақдирда, далил сифатида ишлатилиши мумкин эмаслиги белгиланган.²

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 88-моддасида исбот қилиш жараёнида шахсларнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавfli бўлган ёки уларнинг шаъни ва кадр-қиммати камситувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш, зўрлик ишлатиш, пўписа қилиш, алдаш ва қонунга хилоф бошқа йўллар билан кўрсатув ёки хулосалар олишга, экспериментал ҳаракатларни бажаришга, ҳужжат ёки буюмлар тайёрлашга ва беришга мажбур этиш тақиқланиши белгиланган.

Бизнингча, жиноят процессуал қонунчилигимиз ҳозирги ривожланиш босқичида тергов ва процессуал ҳаракатларнинг натижаларини расмийлаштириш усулларини янада такомиллаштиришни талаб қилади. Бунда тергов ва процессуал ҳаракатларнинг натижаларини расмийлаштиришда техник воситалардан кенг фойдаланиш орқали судгача бўлган босқичда далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш асосий муаммолардан биридир.

Шунга кўра дастлабки тергов органлари тергов ва процессуал ҳаракатларни амалга ошириш орқали шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини жиноятлардан ҳимоя қилишни кафолатловчи меъёрларнинг бажарилишини таъминлаши шарт.

Б.Миренскийнинг фикрича, тергов ва судлов ҳаракатлари жараёнида турли хил илмий-техникавий воситалар қўлланилиши ва баённомадан бошқа далилий ахборот манбалари тайёрланиши мумкин. Тергов ва судлов ҳаракатларини амалга ошириш давомида фотосурат, овозли ёки тасвирли ёзув тайёрланиши мумкин. Амалдаги қонунда бевосита назарда тутилмаган бўлса ҳам сўнгги йилларда видеокамерадан кўпроқ фойдаланилмоқда. Далилий ахборотнинг ушбу манбалари далилларнинг алоҳида манбалари қаторида келтирилмаган ва шу боис улар одатда баённомаларга иловалар деб аталади.³

Терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговда фан-техника воситаларидан ўз вақтида ва тўғри фойдаланиш суриштирувчи ва самарадорлигини оширишнинг муҳим воситаси бўлиб ҳисобланади.

ЖПКнинг 91-моддасига асосан, тергов ҳаракатларини амалга ошириш чоғида фотосуратга олиш, видеотасвирга олиш ва овоз ёзиш, режалар, чизмалар, изларнинг нусхаларини олиш усулларидан фойдаланишга йўл қўйилиши кўрсатиб ўтилган.

Бу нарса дастлабки терговда қулай шароит яратиш учун керак. Техник воситаларни терговчининг ўзи ёки шу мақсадда таклиф этилган мутахассис ҳам ишлатиши мумкин.

Бироқ, мантиқан олганда терговчи техник воситаларини қўллаш билан боғлиқ ишдан озод қилиниши керак, чунки бу уни тергов ҳаракатларини бажаришдан чалғитади.

А.Х.Раҳмонқуловнинг фикрича, дастлабки терговда фан-техника воситаларидан (биринчи навбатда видео ва овоз ёзиш, фото ва киносуратга олиш усулларидан) тергов ҳаракатларининг бориши ва натижаларини қўшимча тарзда қайд этиш учун фойдаланиш амалиёти кўпроқ тарқалган. Терговчи дастлабки тергов чоғида, ахборотни қайд этишнинг қўшимча усулларини белгилаш пайтида бир қатор омилларни инобатга олиш керак. Жумладан, уларнинг энг муҳимларидан бири ушбу ахборотни келгусида адекват акс эттириш имкониятини қидириб топишдир⁴.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 майдаги "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-617-сонли Қонуни билан муайян процессуал ҳаракатларни амалга оширишда видеоёзув орқали қайд этилишининг мажбурий этиб белгиланганлиги натижасида жараён иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг таъминланишига риоиз этилиши янада мустаҳкамланди⁵.

Хусусан, қонун билан ЖПКнинг 91-моддасида (далилларни қайд этишда ёрдамчи усуллар, баённомага иловалар) мажбурий равишда видеоёзув орқали қайд этилиши лозим бўлган



процессуал ҳаракатлар доираси кенгайтирилиб, унда ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти, шахсни ушлаш, ҳимоячидан воз кечиш, шунингдек шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтув ва олиб қўйиш ҳаракатлари ҳам видеоёзув орқали мустаҳкамланиши назарда тутилди.

Бизнингча, ЖПКнинг 91-моддасида кўрсатилган мажбурий равишда видеоёзув орқали қайд этилиши лозим бўлган процессуал ҳаракатлар доирасига фақат ўта оғир жиноятлар бўйича эмас балки, оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳаракатларини ҳам видеоёзув орқали мустаҳкамлашни киритиш лозим.

Буни миллий меъёрларни халқаро умумэтироф этилган нормаларга мувофиқлаштириш сари қўйилган бир қадам сифатида баҳолаш мумкин. Зеро, бугунги ислохотлар аввало инсон ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш ва уни рўёбга чиқаришни талаб этмоқда.

Шу ўринда, процессуал ҳаракатларни амалга оширишда ҳолислар институтидан фойдаланиш тартиби тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтишни лозим топдик.

ЖПКда муайян процессуал ҳаракатларни амалга оширишда ҳолислар иштироки мажбурий эканлиги белгиланган. Жумладан, ушбу Кодексда ҳолислар жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар сифатида кўрсатилиб, мазкур кодекснинг 73-моддасига кўра, суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тергов ёки бошқа ҳаракатлар ўтказилганини, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тасдиқлаш учун чақирилади. ЖПКнинг 352-моддасига кўра, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, кўздан кечириш, гувоҳлантириш, мурдани эксгумация қилиш, суриштирув ёки тергов эксперименти, олиб қўйиш ва тинтув, шахсий тинтув, экспертиза текшируви

учун намуналар олиш, почта-телеграф жўнатмаларини кўздан кечириш ва олиб қўйиш, жиноят иши кўзгатирилганга қадар ушлаб туриш тартиби, мол-мулкни хатлашда ҳолислар иштирокида тегишли баённомалар расмийлаштирилиши шарт эканлиги кўрсатилган.

Амалдаги жиноят процессуал қонунчилиги талабларига кўра, ушбу тергов ва процессуал ҳаракатлар бўйича видео ёзувга олиниши ва уларда ҳолисларнинг иштирок этишлари мажбурий этиб белгиланган.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, ЖПКнинг 73-моддасига кўра ҳолисларнинг жиноят процессидаги иштирокидан асосий мақсад ва мантқ – суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тергов ёки бошқа ҳаракатлар ўтказилганини, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тасдиқлашдир.

С.Ориповнинг фикрича, ЖПКда муайян процессуал ҳаракатларнинг мажбурий видеоёзувга олиниши белгиланганлиги ҳамда суриштирувчи, терговчи, суд исталган процессуал ҳаракатларни қайд этишининг ёрдамчи усули сифатида видеоёзувдан фойдаланиши қонун билан белгилаб қўйилган экан, юқорида санаб ўтилган муаммоларнинг ечими сифатида жиноят процессуал қонунчилигида ҳолислик институтини мақбуллаштириш айти муддао⁶.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида тергов ва процессуал ҳаракатларни расмийлаштиришда инсон омилининг таъсирини имкон қадар камайтириб, замонавий ахборот технология воситаларидан кенг фойдаланиш юзасидан жиноят-процессуал қонунчилигига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Давлетов. Жиноят процесси: Далилларга баҳо бериш. *Huquq va burch*// Тошкент: ТДҶОИ. №6, 2009. Б-42.
2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош ассамблеяси томонидан 1975 йил 6 декабрдаги “Барча шахсларни қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларидан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги декларацияси.
3. Б.Миренский, А.Асамутдинов, Ж.Камалходжаев. Жиноят-процессида далиллар назарияси муаммолари. Дарслик. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 2002 йил. Б-98-99.
4. А.Х.Раҳманкулов, Д.М.Миразов. Дастлабки тергов. Дарслик. Тошкент: 2012 йил. Б-75-76.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-617-сон Қонуни.
6. С.С.Орипов. Жиноят процессида ҳолислик институти: амалдаги ҳолат ва мавжуд муаммолар ҳамда институтни мақбуллаштириш масалалари. Тергов амалиёти журнали. Тошкент, 1. 2021 йил. Б-14-19.



Ҳаёт ҳақиқати

Ануширвон бундай дейди: “Бир воқеа менинг адолат борасида ибратланишимга сабабчи бўлди. Йигитлик вақтимда бир куни овга чиқдим. Қоним қайноқ бўлгани учун отимни ҳар томонга чоптирдим. Пиёда келаётган бир киши тош отиб, бир итнинг оёғини синдирди. У одам бир неча қадам босиб-босмай, менинг отим тегиб, унинг икки оёғини синдирди. Кейин отим бир харсанг тошга қоқилиб, икки оёғини синдириб олди. Мен кетма-кет бўлаётган бу воқеаларни кўргач, ўзимга ўзим: “Кўрдингми, улар нима қилишди ва нимани кўришди? Ким ярамас бир ишни қилса, ўзи истамаган ишни албатта кўради”, дедим ва бу воқеадан ибрат олдим”.



“Кўҳна дунё ривоятлари” китобидан.

ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМ – ТАРАҚҚИЁТГА ТАҲДИД

Терроризм ва экстремизм хавфи биздан доимий огоҳ ва хушёр бўлишни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВ

Глобаллашув шароитида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, дунё миқёсида хавфсизлик ва барқарорликка нисбатан раҳна солишга интилаётган терроризм таҳдидлари доимо огоҳликни тақозо этмоқда.

Экстремизм ва терроризм барчага ёвузлик келтирадиган ҳозирги замон ҳодисасига айланди. “Террорчилик ҳаракати” сўзини эшитганимизда хавотир, қўрқув ҳис қиламиз, кўпчиликни саросима босади, яқинларимиз ва ўзимиздан хавотирга тушамиз. Ҳаммамиз биламизки бу қон, азоб, ўлим билан боғлиқ даҳшатли ҳодисадир. Ҳозирги замон террорчилари учун аниқ бир душман йўқ, айнан шу боис кўпинча ҳеч бир айби йўқ одамлар ҳалок бўлишади. Террорчиларга зўрликнинг ўзи эмас, балки террорчилик ҳаракати туфайли бутун дунёда пайдо бўлиши мумкин бўлган шов-шув муҳимроқ.

Терроризм жамият чуқур инқирозга, аввало, мафкура, давлат ва ҳуқуқий тизим таназзулга учраганида пайдо бўлади. Бундай жамиятда турли сиёсий, ижтимоий, миллий, диний – муҳолифий гуруҳлар пайдо бўладики, уларда мавжуд ҳокимият ва бутун бошқарув тизимининг қонунийлигига шубҳа туғилади.

Агар бундай гуруҳлар ўз мақсадларига қонуний йўл билан эришиб бўлмайди, деган хуло-

сага келсалар, ўз ниятларига зўравонлик, яъни терроризм орқали эришишга уриниб кўришлари мумкин. Бунда муҳолифат қотилликларни ўз мақсадларининг ниҳоятда муҳимлиги ва поклиги билан оқлайди.

Айни вақтда террорчилар замонимизнинг бир қатор хусусиятларини тез англайдилар: ҳокимият сайловга ва ижтимоий фикрга ниҳоятда боғлиқдир. “Террорчилик шов-шувларига” ташна ва дарҳол оммавий ижтимоий фикр шакллантиришга қодир бўлган қудратли ОАВлар мавжуд. Аксарият мамлакатлардаги одамлар сиёсий зўравонликни кўрмаганларига кўп бўлган ва ундан қўрқадилар.

Террорнинг самарали усуллари ҳокимият вакилларига эмас, балки ҳимоясиз, тинч ва энг муҳими, террорга алоқаси бўлмаган одамларга нисбатан куч ишлатишда, унинг ҳалокатли натижаларини ОАВ орқали жамоатчилик фикрига албатта намойиш этишда ўз ифодасини топади.

Террорнинг асосий шarti – ОАВнинг шов-шувли реакцияси. Бугунги терроризм ва экстремизм учун жанг майдони ахборот-коммуникация воситалари (телевидение, интернет) дир. Шу боис бундай ҳаракатларда террорчилар ўлпон эмас, балки тележурналистларни талаб қилишлари бежиз эмас. Мақсад – жамиятга таъсир кўрсатиш, пировардида жамият мамлакат раҳбариятига ултиматум қўйишидир.

Ахборот-коммуникация технологиялари, аввало интернет террорчилар учун янги аъзолар излаш, ёллаш, уларни ўқитиш, пул тўплаш, террорчилик ҳаракатларини ташкил қилишнинг асосий воситасига айланди. Янги телекоммуникация технологиялари тезкор равишда ахборот алмашилиш, фаолият доирасини кенгайтириш ва психологик таъсир кўрсатиш учун имкониятлар беради.



Шу жиҳатдан, интернет “нафратнинг виртуал жамоасини” юзага келтиради. Назариялардан бирига кўра, бундай гуруҳлар таркибига кирадиган одамлар таваккалга асосланган қарорларни осонроқ қабул қиладилар, чунки улар таваккалчилик ушбу гуруҳ аъзолари ўртасида бўлинган, деб ҳисоблайдилар ва ундан камроқ кўрқадилар.

Маълумки, экстремизм – қўйилган мақсадларга радикал усуллар, жумладан терроризм, оммавий тартибсизликлар, одамларни гаров сифатида ушлаш ва бошқа жамиятда кескин юзага келтирувчи ғайриқонуний ҳаракатлардан фойдаланиш орқали эришиш воситасидир.

Экстремистик ва террористик йўналишдаги жиноятлар турли мафкуравий мўлжаллар ва мақсадли йўналишларга эга, зеро бундай жиноятлар ижтимоий муносабатларнинг ҳар қандай – диний, миллий, партиялараро, экологик каби соҳаларига, шунингдек ташқи ва ички сиёсатига хавф солади.


ОАВлари, телекўрсатувлар, жумладан кўплаб жангари сериаллар ҳам ёшларда шафқатсизлик, зўравонлик ҳамда кўрган нарсасини амалда қўллаш истагини юзага келтиради. Бундай ахборот орқали маънавият даражаси пасаяди, кўплаб ахлоқий қадриятлар қадрсизланади.

Террорчилик билан шуғулланувчи ёвуз кучлар ўз сайтларида, куч ишлатиш йўлига ўтишга гўёки мажбур бўлганларини асослашга ва кўпорувчилик ҳаракатларини оқлашга уринади. Ёшларни эса, ушбу жиноий йўлда бирлашишга чақиради. Даҳшатли томони, ғаразли мақсадларига эришиш учун интернет сайтларига қўлбола курол тайёрлаш, одам ўлдириш, ўзини -ўзи портлатишга доир қўлланмаларни жойлаштиришади. Шунингдек, бузғунчилар худкушликка умуман алоқаси бўлмаган тарихий воқеалардан ўз қилмишларини оқлаш учун фойдаланади.

Ислом тарихидан маълумки, Ямома жангида саҳобалар душман дарвозасини очиши учун Баро ибн Моликка қалқонларни боғлаб, қалъа ичкарасига киргизишган. Шундай йўл билан у қалъага кириб, душман билан олишган, охир-оқибат дарвозани очишга муваффақ бўлган эди.

Ҳозир мазкур воқеани бузғунчи оқимлар ўз жиноятларини оқлаш ва асослаш учун далил қилиб келтиришмоқда. Бироқ тарихдаги воқеа жанг майдонига, икки тараф ўртасида бўлаётган уруш ҳолатига тегишлидир. Аммо ушбу воқеа тинч яшаётган аҳоли орасига махсус портловчи камарларни таққан ҳолда кириб, ўзини портлатиб юбориш ва бегуноҳ кишилар ҳаётини барбод этиш учун асло далил бўла олмайди.

Тинчлик улуғ неъмат, деб эълон қилинган ислом динида бу йўлда нафақат амал, балки сўз билан ҳам зарар келтиришдан қайтарилган. Пай-



гамбар (алайҳиссалом) ҳадисларида “Мусулмон киши шуки, унинг тили ва қўлидан мусулмонлар озор чекмайдилар!” дейилади. Зеро, сўз, яъни тилдан етадиган озор қўлдан етадиган зарардан аввал зикр этилишига сабаб, қўл билан бошқаларнинг фақат бу дунёси – саломатлиги, оиласи, мулкига зарар етказиш, тил билан инсонларни турли бузғунчи ғояларга тарғиб қилиш, кишиларни тўғри йўлдан чалғитиш орқали икки дунёсини барбод этиш мумкин. Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда айрим фирқа ва тоифаларнинг мусулмонман, деб аҳолининг ичида парокандалик, оиласида зиддиятларни келтириб чиқаришга уринишлари исломнинг асл моҳиятига бутунлай зиддир. Албатта, буларнинг бари билимсизлик ва жоҳилликнинг натижасидир.

Исломнинг асосий манбалари ҳисобланган Қуръони карим ва Ҳадиси шарифларда илм ўрганишга ва уни ўргатишга тарғиб қилиниб, аксинча илмсизлик ҳамда жоҳиллик қаттиқ қораланади. Зеро, Қуръони каримнинг илк нозил бўлган оятининг ўзидаёқ Аллоҳ таоло “Ўқи!” деб амр қилади. “Илм” сўзининг турли маъноларда Қуръонда 811 ўринда такрорланиши унинг ўрни муҳим эканини кўрсатади. Бинобарин, буюк муҳаддис Имом Бухорий айтганидек, “Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай”.

Зафар ХАЙРУЛЛАЕВ,

Дин ишлари бўйича қўмита мутахассиси

**Бировга соғинса ҳар ким
ёмонлик,
Ниҳоят ул ўзи топмас
омонлик.
ФИРДАВСИЙ**



Азизбек

УСМОНОВ,

Жамоат хавфсизлиги
университети
магистратура
тингловчиси,
подполковник

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ САҚЛАШДА “ХАВФСИЗЛИК” ТУШУНЧАСИНИНГ НАЗАРИЙ – ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада жамоат хавфсизлигини таъминлашда “хавфсизлик” тушунчасининг мазмун-моҳияти тадқиқ қилинган. Шунингдек, жамоат хавфсизлиги, миллий хавфсизлик, давлат хавфсизлиги каби тушунчалар назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Тарихий манбалар ва хорижий олимларнинг соҳага оид фикрлари ҳам ўрганилган.

Калит сўзлар: жамоат хавфсизлиги, миллий хавфсизлик, давлат хавфсизлиги, хавф, бартараф этиши, табиий офат, эпидемия, пандемия.



Сухроб

ИБРОҲИМОВ,

Жамоат
хавфсизлиги
университети
магистратура
тингловчиси,
майор

Ҳозирги кунда ҳам ҳар бир минтақада хавфсизликни таъминлаш масалалари, ўтмишда бўлганидек ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Шунингдек, ҳар бир минтақанинг ўз хусусиятлари, таҳдид манбалари ва хавфсизликни сақлаш омиллари мавжуд. Шу нуқтаи назардан хавфсизликка оид бўлган тушунчаларни ўрганиш ва Республикаимизда жамоат хавфсизлигига таҳдидларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатларни чуқур илмий-тадқиқ қилиш тадқиқотчилар олдида турган долзарб масалалардан биридир.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон фармониға мувофиқ жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизими янада ривожлантирилмоқда ҳамда ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг истикболли йўналишлари белгилаб олинди. Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаганлиги туфайли, масъул давлат тузилмаларининг олдига ўз фаолиятини “Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадрини учун” деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифаси қўйилди¹.

Шулардан келиб чиққан ҳолда жамоат хавфсизлигига оид тушунчаларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ саналади. Жамоат хавфсизлиги нима? У қандай ва кимлар томонидан таъминланади? Унинг бошқа хавфсизликлардан қандай фарқи бор? — деган саволлар келиб чиқади.

Жамоат хавфсизлиги дейилганида фуқароларни, жамиятнинг моддий ва маънавий қадриятларини жиноий ва бошқа ноқонуний тажовузлардан, ижтимоий ва миллатлараро низолардан, шунингдек, табиий ва техноген фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш тушунилади. Жамоат хавфсизлигини таъминлашда биринчи эътибор инсонлар жамоасини ҳимоя қилишга қаратилади. Ҳуқуқий адабиётларда жамоат хавфсизлиги тушунчаси билан бирга “жамоат тартиби” деган сўзлар ҳам юритилади. Бу иккала тушунча икки хил мазмун-моҳият касб этиши билан бир-биридан фарқланади.

Ҳуқуқий адабиётларни ўрганиш шундан далолат беради-ки, жамоат тартиби тушунчасига бирон бир норма-

тив-ҳуқуқий ҳужжатда таъриф берилмаган. Айрим тадқиқотларда “Жамоат тартиби – бу жамоат хавфсизлиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг нормал фаолият кўрсатиши, меҳнат қилиши ва дам олиши учун шароит яратишга, шаъни, кадр-қимматини ҳамда умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилишга йўналтирилган ҳуқуқий ва ижтимоий-ахлоқий нормалар асосида жамоат жойларида юзага келадиган ва содир этиладиган ижтимоий муносабатлар тизими”² деб таърифланган. Жамоат тартибидан фарқли равишда жамоат хавфсизлигига норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда изоҳ келтирилган бўлиб, унда “шахс, жамият ва давлатнинг жиноятчилик, бошқа ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар, фавқулодда ҳолатлар оқибатлари, ижтимоий низолар, табиий офатлар, эпидемия, эпизоотия, йирик ҳалокатлар, авариялар ва ёнгинлардан ҳимояланганлик ҳолати”³ деб таъриф берилди.

Жамоат хавфсизлиги кенг тушунча бўлиб, аҳолининг осуда ҳаётини ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш бўйича сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий-ҳуқуқий, ахборот, ташкилий чоралар мажмуаси тушунилади.

Мазкур таърифда ҳимоя объектлари: мамлакатнинг суверенлик ва ҳудудий яхлитлиги, аҳолининг осуда ҳаёти ва хавфсизлиги, шунингдек бунга сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий-ҳуқуқий, ахборот, ташкилий ва бошқа чоралар мажмуасини қўллаш воситасида эришиш йўллари кўрсатиб ўтилган. Шунинг учун ушбу таъриф амалиёт учун ҳам, илмий жиҳатдан ҳам ғоят мақбул тушунча ҳисобланади. Аксарият ҳолатларда мудофаа деганда кўз ўнгимизда ҳарбий хизмат билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар гавдаланади.

Хавфсизлик тушунчасининг ҳуқуқий асоси энг аввало Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-бобида белгилаб берилган.

Махсус адабиётларда хавфсизлик тушунчалари турлича талқин қилинган. Хавфсизлик мураккаб тушунча бўлиб, ҳуқуқ-тартиботни ҳимоя қилишни, терроризмга, уюшган жиноятчиликка қарши кураш тадбирларини, иқтисодий мудофаа соҳасидаги вазифаларни ўз ичига олади. Хавфсизлик соҳасидаги талаблар жамоат хавфсизлиги талабларига нисбатан кенг кўламдир.

Хавфсизлик тушунчасига шахс, ижтимоий гуруҳлар, давлат, жамият, инсон шаъни, кадр-қиммати, қадрияти мезонини белгиловчи фалсафий категория сифатида қарайдиган олим-

лар ҳам бор. Шу жиҳатдан хавфсизлик инсон ҳуқуқларига нисбатан бирламчи ҳисобланади. Назарий жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, хавфсизлик деганда инсон ёки бошқа мавжудотларга, таҳдид мавжуд эмаслиги тушунилади. Хавфсизликнинг моҳияти, сирасини айтганда, хавф-хатарнинг йўқлигидадир. Шунинг учун “хавфсизлик” тушунчаси жамиятнинг ҳаётий фаолияти ва давлатнинг яшаши учун, аввало, унинг фундаментал, асосий бойликлари ва манфаатлари учун бирон таҳдиднинг йўқлиги билан белгиланади.

Хавфсизлик шахс, жамият ва давлат ҳаётининг ҳимояланганлик даражаси бўлиб турли тарздаги эҳтимолий (шу жумладан фитна тарзидаги) таҳдидларни бартараф этиш, уларга қаршилик кўрсатиш, муайян шароитларда эҳтимолий таҳдидларни кескин камайтириш билан боғлиқ тегишли чора ва ҳаракатлар мажмуасидир. Хавфсизликни, аввало, ноқулай ички ва ташқи шароитларга қарамай ўз яхлитлигини, ўз-ўзини ривожлантириш қобилиятини сақлаб қолувчи ижтимоий организмнинг барқарорлиги деб тушунмоқ керак.

“Хавфсизлик” тушунчаси “шахсий хавфсизлик”, “халқаро хавфсизлик” ва “глобал хавфсизлик” тушунчалари билан ҳам боғлиқ. Ушбу тушунчалар хавфсизлик моҳиятини очиб беришга қаратилган.

Шу ўринда миллий хавфсизлик ва давлат хавфсизлиги деган тушунчаларга тўхталиб ўтадиган бўлсак, давлат хавфсизлигини таъминлаш кўпроқ мудофаа жиҳатлари билан боғлиқ ҳолат тушунилади. Миллий хавфсизлик эса давлат хавфсизлигига нисбатан кенгроқ тушунча саналиб, иқтисодий, экологик, ижтимоий, мудофаа ва ҳарбий хавфсизлик каби тушунчалар билан ўлчанади.

Хорижий давлатларнинг тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, миллий хавфсизликнинг моҳияти, ҳуқуқий асослари ва муаммолари энг муҳим ҳужжатларда акс этади. Масалан, АҚШда янги юз йиллик учун “Миллий хавфсизлик стратегияси” ишлаб чиқилган бўлиб, Президентнинг Конгрессга “Миллий хавфсизлик стратегияси ҳақида”ги ҳар йилги нутқида миллий хавфсизлик деганда ўзи учун мақбул шароитларда дунё мамлакатлари билан иқтисодий муносабатларни таъминлаб мамлакат ва унинг ҳудудини табиий бутунликда ҳимоя қилиш таъкидланади.

Шунингдек, янги юз йиллик учун АҚШ “Миллий хавфсизлик стратегияси” ҳужжатида (1999 й.) шундай қайд этилган: “Биз ўз мамлакатимизда ва унинг ташқарисиди америкаликлар ҳаётини ва шахсий хавфсизлигини ҳимоя қилишимиз керак. Биз Қўшма Штатлар суверенлигини, сиёсий эркинлигини ва мустақиллигини сақлашимиз лозим. Бизнинг бойликларимиз, институтларимиз ва ҳудудимиз дахлсиз бўлиб қолиши лозим. Биз мамлакатнинг гуллаб-яшнаши ва халқ фаровонлигининг ўсишига интилишимиз керак”⁵. Мазкур ҳужжатнинг муқаддимасида халқнинг миллий хавфсизлигини, унинг турмуш-тарзини, АҚШ ҳудудини ҳимоя қилиш мамлакат Президенти маъмуриятининг бош вазифаси ва конституциявий мажбурияти эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Худди шундай ҳужжатлар Хитойда “Миллий ривожланиш стратегияси” деб номланиб, ХХРнинг миллий манфаатлари ва миллий хавфсизлик стратегияси учун ишлаб чиқилган. Россияда эса, “Россия Федерациясининг миллий хавфсизлик Концепцияси”, “Ҳарбий доктрина”, “Ахборот хавфсизлиги доктринаси”, “Россия Федерациясининг 2020

йилгача бўлган денгиз доктринаси” каби ҳужжатларни ўз ичига олган. Японияда, “Япония миллий хавфсизлигини кенг қамровли таъминлаш Концепцияси” деб номланган ҳужжатлардан иборат бўлиб шу давлатларнинг бевосита манфаатларини кўзлайди.

Энди урушнинг янги реал кўриниши ахборот уруши бўлиб, бунда хатти-ҳаракатлар истаги ҳақида тасаввурлар ўсиб келаётган ёш авлоднинг онгига таъсир этиш оқибатлари билан энг самарали ва даҳшатли бўлганлигидан, бу масала ҳам албатта эътиборга олинishi керак.

Ахборот уруши – бу чегаралари белгиланмаган, ахборот тизимларининг томонларнинг қайси бирига тааллуқлилигини аниқлаш имкони бўлмайдиган, оммавий ахборот воситалари орқали стратегик ахборотни душман томонга йўналтираётганда ўз мамлақати аҳолисининг ҳам онгини заҳарлаб қўйиши мумкин бўлган шароитдаги урушдир. Ҳозирги ахборот уруши кўпроқ душман томоннинг онгини заҳарлаш ва бузиш ҳамда ўз халқининг онгини жипслаштиришга қаратилган уруш бўлиб бормоқда.

Шунинг учун ҳам ҳозирда миллий хавфсизликка кўпроқ эътибор қаратилиб, у давлатнинг мудофаа қобилиятини ҳам намоён этади. Бунда миллий хавфсизликнинг субъектлари – шахс, жамият ва давлат хавфсизлиги ҳолатини англлатувчи ибора сифатида тушуниш тавсия этилади. Миллий хавфсизлик эса сиёсий категория сифатида миллий манфаатларни таъминлашнинг усуллари, воситалари ва шакллари англлатади.

Хавфсизликнинг “қаттиқ” (ҳарбий) ва “юмшоқ” (ноҳарбий): иқтисодий, экологик ва бошқа турлари ҳақидаги тасаввурлар вужудга келмоқда. Айни вақтда мутлоқ хавфсизлик, яъни бирон-бир таҳдид бўлмаслиги – эҳтимолдан узоқ, эришиш мушкул бўлган ҳолат бўлиб ўз субъектини йўқ қилиши мумкин, амалда хавфсизлик ҳар доим нисбийдир⁵ деган, тушунча қарор топган.

Хулоса сифатида, юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазаларнинг таҳлили асосида қуйидаги таърифни келтиришимиз мумкин.

Хавфсизлик – давлатнинг барқарор фаолият олиб боришини таъминлаш ва давлат органлари томонидан шахс ва жамият, мамлакатнинг барқарор ривожланиши учун ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий шароитлар яратиш, ҳаётий муҳим миллий манфаатларни таъминлашда ички ва ташқи таҳдидларга ишончли қарши тура олиш, ҳимояланиш қобилиятидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 09:00 / 30.11.2021.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 23 декабрь, № 258 (6952)-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонуни 11.05.2001 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 5, 80-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 262-модда.
4. Общая теория национальной безопасности. Учебник под ред. д.ю.н., профессор А.А.Прохжева. – М., 2002. – стр. 22.
5. Стратегия национальной безопасности США для нового столетия// Независимая газета 1999, 10 фев. – стр. 10.



Хуршид КАРИМОВ,
ю.ф.ф.д, доцент.
Бош прокуратура
академияси
кафедра бошлиғи

ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада маъмурий преюдицияга эга жиноятларни квалификация қилиш муаммолари таҳлил қилинган, Олий суд Пленуми қарорларидаги айрим тушунтиришлар ва уларга ўзгартиришлар киритишлар бўйича таклифлар билдирилган.

Калит сўзлар: преюдиция, маъмурий преюдиция, квалификация, суд-тергов амалиётидаги муаммолар.

Ўзбекистон Республикасининг Судлар тўғрисидаги Қонунига асосан, “қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича судлар, ушбу тушунтиришлар берилган қонун ҳужжатларини қўллаётган бошқа органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир”. Шу сабабли, суд-тергов амалиётида ушбу тушунтиришларга амал қилиш мажбурий.

Одатда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленум қарорлари қонун меъёрлари тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида қабул қилинади ҳамда одил судловни таъминлашда муҳим ўринга эга.

Шу муносабат билан суд амалиётининг муайян масалалари бўйича Олий суд Пленуми қарорларининг ўз вақтида қабул қилиниши қонунларни тўғри қўллашда алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, суд-тергов амалиётида маъмурий преюдицияга эга жиноятлар бўйича қонун нормаларини тўғри қўллашга оид Олий суд Пленуми қарорларидаги тушунтиришлар диққатга сазовор.

Мисол учун Олий суд Пленумининг 2007 йил 27 июндаги “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 24-бандида “Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, баданга қасддан, соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узок бўлмаган муддатга йўқолишига сабаб бўлмаган даражада енгил шикаст етказганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Баданга қасддан бундай шикаст етказганлик учун жиноий жавобгарлик, фақат у шундай қилмиш учун шахсга нисбатан маъмурий жазо маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор кучга кирган кундан бошлаб бир йил ичида такроран содир этилган (ЖК 109-моддасининг биринчи қисми) ёки соғлиқнинг қисқа вақт давомида ёмонлашувига сабаб бўлган (ЖК 109-моддасининг иккинчи қисми) ҳолдагина келиб чиқади.” Ушбу мисолда шахсни Жиноят кодексининг 109-моддасининг 1-қисми учун жавобгарликка тортиш учун 2 та белгига эътибор қаратиш лозим. Биринчидан шахс Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 52-моддаси 2-қисми билан жазога тортилган бўлиши, иккинчидан жазо қўллаш тўғрисидаги қарор кучга кирган кундан бошлаб бир йил ичида ичида содир этилган бўлиши талаб этилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 37-моддасига асосан, “...маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий

жазога тортилмаган деб ҳисобланади”. Бунда назарда тутилган муддат фикримизча маъмурий жазога тортилганликка оид муддат бўлиб, бу муддат шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўладиган муддат сифатида қаралмаслиги керак. Яъни, маъмурий преюдицияга эга жиноятларда жиноий жавобгарлик маъмурий жазога тортиш тўғрисидаги қарор кучга кирган кундан бошлаб ҳисобланиши тўғри бўлади.

Қайд этиш лозими, МЖТКнинг 37-моддасига асосан жазо муддати тугаганидан сўнг шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланадиган муддатнинг бир йил этиб белгиланишига оид нормага ҳам тегишли ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, амалдаги Жиноят кодексига маъмурий преюдиция тушунчаси қайд этилмаган, шунингдек, бундай таркибли жиноятларда маъмурий жазога тортилгандан сўнг қанча муддат ўтганидан сўнг жиноий жавобгарлик юзага келиши, мазкур жиноятларни квалификация қилишга оид қоидалар ҳам белгиланмаган.

Бу эса амалиётда жиноий қилмишни квалификация қилишда баъзи муаммоларни келтириб чиқаради. Масалан, Жиноят кодексининг маъмурий преюдицияга эга фақат битта қисмдан иборат жиноят таркибларида (масалан, ЖКнинг 143,148-1-моддаси) шахс мазкур моддалар билан судланганидан сўнг яна шу қилмишни содир этганида маъмурий жавобгарликка тортиладими ёки жиноий жавобгарликка?, – деган саволни пайдо қилади.

Қайд этиш лозимки, муайян ишлар бўйича қабул қилинган Пленум қарорларидаги тушунтиришлар айнан ана шу ишларга тааллуқли бўлиб, бошқа жиноят ишлари бўйича қўллаб бўлмайдими. Масалан, Жиноят кодексининг 122-моддасида белгиланган “Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш” жинояти маъмурий преюдицияга эга. Яъни, “Моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса” жиноий жавобгарлик келтириб чиқаради. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 474-моддасида “Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш” учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Бундай ҳолда ўн беш сутка муддатга маъмурий қа-

моққа олишга ёки Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ маъмурий қamoқ қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

2009 йил 10 апрелдаги “Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ва уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорининг 14-бандида “Қуйидагилар шахсни ЖК 122-моддасига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортиш шартлари ҳисобланади:

моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлаш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки суд буйруғи мавжудлиги;

бундай шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик учун шахсга нисбатан муқаддам маъмурий жазо чораси қўлланилганлиги;

ушбу маблағ жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўланмаслиги” деб белгиланган.

Шу ўринда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 474-моддаси бўйича жавобгарликка тортилиб, ўн беш сутка муддатга маъмурий қamoққа олиш жазоси тайинланган шахсга нисбатан қачон жиноят иши қўзғатилиши мумкин?, – деган савол туғилади. Яъни, ўн беш сутка муддатга маъмурий қamoққа олиш жазоси ўталгандан кейин икки ойдан ортиқ муддат мобайнида бўйин товлангандан кейинги ёки маъмурий жазога тортиш ҳақида қарор кучга киргандан кейин икки ой ўтибми? Фикримизча, бу ҳолатда шахс маъмурий қamoқ жазосини ўтаб бўлгандан сўнг, икки ойдан ортиқ муддат мобайнида бўйин товлангандан кейин жиноий жавобгарлик келтириб чиқариши ҳақида тушунтириш берилиши мақсадга мувофиқ.

Суд тергов амалиётида маъмурий преюдиция назарда тутилган жиноятлар бўйича оғирлаштирувчи таркиблар бўйича жавобгарликка тортишда муаммолар мавжуд. Жумладан, бунда шахснинг маъмурий жавобгарликка тортилганлиги талаб этиладими ёки йўқми? Маъмурий преюдицияга эга бўлган жиноятларда оғирлаштирувчи ҳолатлар назарда тутилганда “ўша ҳаракатлар” жумласи ишлатилганда “ўша ҳаракатлар” ибораси шахсга боғлиқ ҳаракатларни назарда тутати ҳамда маъмурий жазога тортилган бўлишни назарда тутмайди. Мисол учун, Жиноят кодексининг 214-моддаси 1-қисмида “Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса” деб белгиланган. Ушбу модданинг 2-қисмида “ўша ҳаракатлар: а) анча миқдорда; б) тамагирлик йўли билан содир этилган бўлса” деб белгиланган. Бунда ўша ҳаракатлар деганда “Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органи хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши” тушунади. Демак, “Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши” анча миқдорда содир этилган бўлса жиноий жавобгарлик келтириб чиқаради. Шунингдек, “Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши” тамагирлик йўли билан содир этилган бўлса ҳам тўғри жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради. Бундай ҳолатларда маъмурий жазо қўлланилган бўлиши талаб этилмаслиги ҳақидаги тушунтириш берилиши таклиф этилади.

Қайд этиш лозимки, Олий суд Пленуми қарорлари маъмурий преюдицияга эга жиноятларни квалификация қилиш ҳамда ягона суд амалиётини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бир қаторда, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида Жиноят кодексига маъмурий преюдицияга эга жиноят тушунчаси, маъмурий преюдицияга эга жиноятларни квалификация қилишга оид қуйидаги тегишли ўзгартиришлар киритилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Маъмурий преюдицияга эга жиноят – ушбу Кодекс махсус қисмида назарда тутилган қилмиш биринчи марта содир этилганда маъмурий жазо белгиланган жиноятдир.

Маъмурий преюдицияга эга жиноят учун жиноий жавобгарлик, ушбу қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил мобайнида шундай қилмишни такроран содир этилганда юзага келади.

Қилмиш биринчи марта содир этилганда маъмурий жазо назарда тутилган жиноятларни квалификация қилишда Жиноят кодексининг махсус қисми моддасида мазкур қилмишни оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда жиноий жавобгарликка асос бўлади ҳамда маъмурий жазога тортилган бўлиш талаб этилмайди.

Шахс маъмурий преюдицияга эга жиноят учун судланганидан сўнг, яна шундай қилмишни содир этганда ҳамда жавобгарликка тортиш муддатлари ўтиб кетмаган бўлса шахс жиноий жавобгарликка тортилади ва бунда маъмурий жазога тортилган бўлиш талаб этилмайди.

Юқоридаги ўзгартиришларнинг киритилиши жиноят қонунчилигида маъмурий преюдицияга эга жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади деб ҳисоблаймиз.



Жамшид САДИНОВ,

Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судьяси

ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВ ИНСТИТУТИ: КЕЧА ВА БУГУН

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига дастлабки эшитув институти киритилди. Дастлабки эшитув – суриштирувда суд муҳокамасига қўйилган масалалар ҳамда иш юзасидан тўп-ланган далиллар мажмуаси етарлилиги ва мақбуллиги ўрганилади.

Жиноятни очиш жараёнида дастлабки эшитув институти тергов ва суриштирув органларининг хатти-ҳаракатлари қонунга мувофиқлиги юзасидан бевосита суд назорати ҳисобланади.

Қонунчиликка ушбу меъёرنинг жорий этилиши судга келиб тушган жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида тарафларнинг дастлабки эшитувларда иштирок этишини таъминлайди. Қонун қабул қилингунга қадар тарафлар иштироки чеклангани сабабли мазкур жараёнда ҳал этилиши лозим бўлган муҳим масалаларни (масалан, ишни тугатиш ёки тўхтатиш) судья якка тартибда ҳал этишга мажбур эди. Оқибатда, судья чекланган маълумотга эга бўлганлиги учун бундай масалалар ҳал этилмасдан қолган ва асосий босқич – умумий суд мажлисига барча иштирокчилар чақирилиб, фуқароларнинг сарсон бўлишига олиб келган.

Жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ЖПК 49¹-бобида назарда тутилган ўзига хос хусусиятлар инobatга олинган ҳолда, суд муҳокамасининг умумий қоидалари бўйича ўтказилади.

Тарафларнинг илтимосига кўра ёки суднинг ўз ташаббуси билан жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш, иш юритишни тугатиш, жиноят иши айблов далолатномасини, айблов хулосасини ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган прокурорга юбориш, жиноят ишларини бирлаштириш, номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаш тўғрисида тарафлардан бирининг илтимоси мавжуд бўлса, ушбу далилларни чиқариб ташлаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда дастлабки эшитув ўтказилади.

Жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ўтказиш тўғрисида судья ажрим чиқаради. Дастлабки эшитув ажрим чиқарилган пайтдан эътиборан беш суткадан кечиктирмай бошланиши, унинг давомийлиги дастлабки эшитув бошланган кундан эътиборан ўн суткадан ошмаслиги керак.

Жараён судья томонидан ёпиқ суд мажлисида якка тартибда, тарафлар иштирокида ўтказилади ва суд мажлисида айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва давлат айбловчиси иштирок этиши шарт.

Ўз вақтида хабардор қилинган жабрланувчи ва унинг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарнинг ҳамда улар вакилларининг суд мажлисига келмаганлиги дастлабки эшитувни ўтказиш учун монелик қилмайди.

Агар жиноят иши бўйича дастлабки эшитувни ўтказиш чоғида айбланувчининг яширинганлиги аниқланса, судья ушбу айбланувчига нисбатан иш юритишни тўхтатиб туриш ва унга нисбатан қидирув эълон қилиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Айбланувчининг оғир ва давомли касалликка чалинганлиги суд-тиббий экспертиза хулосаси билан тасдиқланган

тақдирда, судья иш юритишни айбланувчи соғайгунга қадар тўхтатиб туриш тўғрисида ажрим чиқаради.

Айбланувчи, ҳимоячи ва давлат айбловчиси жиноят иши материалларидаги ҳар қандай далилни, агар уларни номақбул далиллар деб ҳисобласа, чиқариб ташлаш тўғрисида илтимоснома беришга ҳақли.

Илтимоснома айблов далолатномаси ёки хулосасининг кўчирма нусхаси олинган кундан эътиборан уч сутка ичида берилиши мумкин.

Далиллар қонунга ҳилоф усуллар билан олинганлиги ва уларни чиқариб ташлаш тўғрисидаги ҳимоя тарафи томонидан берилган илтимосномани кўриб чиқиш ва вазларни рад этиш прокурорнинг, қолган ҳолларда буни исботлаш илтимоснома берган тарафнинг зиммасида бўлади.

Агар суд далилни чиқариб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилса, мазкур далил юридик кучини йўқотади ва ундан фойдаланиш мумкин эмас.

Ишни мазмунан кўриш давомида илгари номақбул деб топилиб чиқариб ташланган далилни маъқул деб топиш масаласи тарафларнинг илтимосномасига асосан кўриб чиқиши мумкин.

Айблов далолатномаси ёки хулосаси ЖПКнинг талаблари бузилган ҳолда тузилган бўлса ва бу айблов далолатномаси ёки хулосаси суд томонидан ҳукм ёки бошқа қарор чиқариш имкониятини истисно этса, тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор билан бирга судга юборилган жиноят иши бўйича айблов далолатномаси ёки хулосасини тузиш зарурати бўлса судья ўз ташаббуси билан ёки тарафларнинг илтимосномасига кўра жиноят ишларини битта иш юритувга бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Шунингдек, айбланувчи жиноят иши материаллари билан танишиш чоғида унга ушбу Кодекснинг 375 ва 381¹³-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқлар тушунтирилмаган бўлса, мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисида иши юритилаётган шахснинг хатти-ҳаракатларини оғирроқ жиноят, ижтимоий хавfli қилмиш сифатида малакалаш учун асослар мавжуд бўлса ҳам жиноят иши келиб тушганидан кейин юзага келган асослар аниқланган тақдирда, судья жиноят ишларини битта иш юритувга бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Ушбу институтнинг жорий қилиниши жиноят ишини умумий асосларда кўришга монелик қилаётган сабабларни тезкор бартараф этиш имкониятини берувчи қарорлар қабул қилиш жараёнида тарафларнинг тортишув тамойилига сўзсиз риоя этилишига, суд муҳокамаси чоғида фақат мақбул далиллардан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

“АДОЛАТ ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ОЛИЙ НУҚТАСИ”

Машҳур ҳуқуқшунос, жонкуяр раҳбар, бутун куч-қувватию раҳбарлик салоҳиятини суд ҳокимиятининг ривожига бахшида этган фидойи инсон, Республикадаги барча суд ходимлари ва судьяларнинг севимли устози Убайдулла Минғбоевнинг навбатдаги “Адолат инсонпарварликнинг олий нуқтаси” деб номланган янги рисоласи китобхонлар қўлига етиб келди.

Китобни илк бор қўлига олган ўқувчи гарчи у суд-ҳуқуқ соҳасига дахлдор бўлмаса-да рисоладаги фикрларга беэътибор бўлмайди. Чунки, суд тизими соҳасининг вазибалари, фуқаролар ҳаётида тутган аҳамияти борасида ҳамма ҳам мукамал таассуротга эга эмас. Кўпчиликнинг назарида суд жазоловчи орган сифатида ўрнашиб қолган. Китобдаги “Одил судловнинг мақсади инсонпарварлик эканлиги, суд жараёнининг маданияти, судда фуқароларнинг қабул қилиш маданияти, покланиш палласи, касбий масъулият мезонлари, суд ҳокимиятининг том маънодаги мустақиллиги ва ҳолислигига эришиш муҳим вазифа эканлиги, судьялик бу касб эмас балки ҳаёт тарзи” эканлиги ҳақидаги хулосалар кишилар тасаввурдаги суд тизими борасидаги фикрларни ўзгартирса, ажаб эмас.

Қонунчилигимизда судьяни лавозимидан олишга сабаб бўлувчи омиллардан бири унинг номуносиб хулқ-атвори эканлиги кўрсатиб ўтилган. Судьянинг бундай ҳолатга тушишига эса оила аъзолари, атрофидагилар ҳам сабабчи бўлишлари мумкинлигини баён қилиб, муаллиф судьяларнинг оила аъзолари, ота-онаси ва турмуш ўртоғининг оилада судья билан моддий масалаларда юритадиган муомала-мулоқотлари қай тарзда бўлиши кераклиги, судьяни тамагирликка ундасликлари ва унинг шундай

вазиятга тушиб қолишига йўл қўймасликлари, аксинча уни бундай номақбул йўллардан, нафс балосидан, нотўғри ишлардан ўз вақтида қайтариши зарурлиги ҳақида ўзининг маслаҳатларини берган.

Чунки, кузатишлардан маълум бўлмоқдаки, айрим судьяларнинг оиласида ортиқча бойлик, ҳашам, турли безак ва безанишларга ружу қўйганлик ҳолатлари учраб турибди. Оқибатда бу нарса судьянинг тамагирликка берилиб кетишига сабабчи бўлиб қолмоқда.

Бундан ташқари, муаллиф ўзининг кўп йиллик иш тажрибаларидан келиб чиқиб, эндиликда алоҳида, мустақил мурося судлари ва транспорт судларини ташкил этиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш масалалари юзасидан қимматли фикр ва таклифларини илгари суради.

Рисола равон, оммабоп тилда ёзилган бўлиб, ундан нафақат суд ходимлари, балки кенг жамоатчилик ва барча китобхонлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Шубҳасиз, бу китобни ўқиган ҳар бир кишининг маънавияти, ҳуқуқий маданияти юксалади. Ҳар қандай нотўғри йўлларга кириб қолишдан ўзини асрайди ва бир умр ҳалол ҳаёт кечиршига ҳуқуқий манба бўлиб хизмат қилади. Бир сўз билан айтганда мазкур китоб ўқувчини адолат сари етаклайди.



Парда ЭШМАТОВ,
Ўзбекистон суд тизими фахрийси.



Дилшод НАИМОВ,
Судьялар олий
мактаби
тингловчиси

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИККА ОИД ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ: МУАММО ВА ЕЧИМ

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларнинг судлар томонидан кўрилиш амалиёти ўрганилганда, бу соҳада қонун меъёрлари мукамал эмаслиги, қонунни қўллашда судларда бир хил ёндашув мавжуд эмаслиги сабабли ушбу соҳа қонунчилигини такомиллаштириш зарурати кўзга ташланади.

Жиноят процессуал кодексининг 12-моддасига кўра, биринчи инстанция судининг суд мажлисида, шунингдек ишлар юқори судларда кўрилатганда иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилади. Иш судда кўрилатганда айблов, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал қилиш вазифалари бир-биридан алоҳида ажратилиб, айнан бир орган ёки айнан бир мансабдор шахс зиммасига юклатилиши мумкин эмас.

Бироқ, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда маъмурий ҳуқуқбузарлик баённомасини тузган мансабдор шахсларнинг иштироки истисно этилади. Судда маъмурий баённомани қўллаб қувватловчи тараф (айблов тарафи) бўлмаганлиги сабабли, ишни кўриб чиқаётган судья маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда айблов тараф сифатида исботлаш мажбуриятини ўз зиммасига олишга мажбур бўлмоқда. Бу эса, судда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилиши тамойилларига зид ҳисобланади.

Шу сабабли, барча маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни судда кўриб чиқишда прокурорнинг иштирокини мажбурий қилиб белгилаш мақсадга мувофиқ.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 308-моддасида ўзига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарор чиқарилган шахс, жабрланувчи ва маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича баённома тузган орган ўз ҳисобидан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишни кўриб чиқиш ҳақидаги баённоманинг кўчирма нусхасини, шунингдек суд мажлисининг аудио ёки видеоёзувини олишга ҳақли эканлиги кўрсатилган. Бироқ, суд мажлиси баённомаси имзоланганидан кейин тарафлар шу баённома ва суд мажлисининг аудиоёзуви юзасидан ўз мулоҳазаларини бериш тартиби назарда тутилмаган. Бу эса, тарафларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлади.

Шу сабабли, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 308-моддасига “суд мажлиси баённомаси имзоланганидан сўнг, уч сутка ичида тарафлар шу баённома ва суд мажлисининг аудиоёзуви юзасидан ўз мулоҳазаларини беришга ҳақлидир”, деган банд киритилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Айрим турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар юзасидан ҳуқуқи бузилган шахс судда тўғридан-тўғри ариза орқали мурожаат қилиш тартиби маъмурий қонунчилигимизда ўз аксини топган.

Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 283-моддасида кўрсатилишича, ушбу Кодекснинг 193-моддасида назарда тутилган депутатлик ва сенаторлик фаолиятининг кафолатлари бузилган тақдирда, тегишинча Олий Мажлис палаталари девонлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари котибиятлари, шунингдек, ушбу кодекснинг 197¹-моддасида назарда тутилган адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилинган тақдирда адвокат, бундан ташқари, ушбу Кодекснинг 197⁵-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир



этилган тақдирда (таълим муассасаси педагог ходимининг касбий фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиб ёки ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш), таълим муассасасининг педагог ходими маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича баённома тузмасдан ўзининг аризасида ҳуқуқбузарнинг шахси, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва бу ҳуқуқбузарликнинг моҳияти ҳақидаги маълумотларни, шунингдек ишни ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни кўрсатган ҳолда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Амалиётда бундай тоифадаги ишларни судлар томонидан кўриб чиқишда муайян муаммолар бор. Сабаби, бундай тоифадаги ишларни кўриб чиқишда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда аниқ тартиб мавжуд эмас, шунингдек, Олий суднинг Пленум қарорларида бундай тоифадаги ишлар юзасидан раҳбарий кўрсатмалар ҳам йўқ.

Судьянинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишида ишда иштирок этишига монелик этувчи ҳолатлар ва тартиби Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда назарда тутилмаган.

Хорижий давлатлар тажрибаси асосида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини қуйидаги бандлар билан тўлдириш таклифини билдирамыз:

303²-модда Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда рад қилиш асослари ва тартиби.

Судья қуйидаги ҳолларда ишни кўришда иштирок этиши мумкин эмас:

- мазкур иш илгари кўрилганда судья сифатида иштирок этган тақдирда;

- ушбу иш юзасидан ваколатли орган мансабдор шахси сифатида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома расмийлаштирган ёки қарор чиқарган бўлса;

- мазкур иш илгари кўрилганда унда прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон, суд мажлиси котиби, вакил ёки гувоҳ сифатида иштирок этган тақдирда;

- ишда иштирок этувчи шахслар ёки вакилларининг қариндоши бўлса;

- ишнинг натижасидан бевосита ёки билвосита манфаатдор ёхуд унинг ҳолига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжудлиги кузатилса.

Ушбу моддада кўрсатилган асослар мавжуд бўлганда, судья ўзини-ўзи рад қилиш ҳақида арз қилиши шарт.

Ишни якка тартибда кўраётган судьяни рад қилиш тўғрисидаги масала суд раиси, бир таркибли судда эса шу судья томонидан, ҳал қилинади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 274-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишнинг очиқ кўрилиши, маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларни кўриб чиқишнинг тарбиявий ва огоҳлантирувчи аҳамиятини ошириш мақсадида бундай ишлар ҳуқуқбузарнинг иш, ўқиш жойидаги жамоаларида ёки яшаш манзилида кўриб чиқилиши мумкинлиги белгиланган.

Бироқ, сайёр судларда судьянинг хавфсизлиги масалалари қонунчилигимизда назарда тутилмаган. Шу сабабли, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар ҳуқуқбузарнинг иш, ўқиш жойидаги жамоаларида ёки яшаш манзилида кўриб чиқилишида судьянинг хавфсизлик масалаларини қонунчилигимизда аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, таклиф этилаётган ўзгаришлар амалда ўз ифодасини топса фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, суд ҳокимиятининг эса мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.


*Душманнинг нонидан,
дўстнинг шапалоги яхши.
Озарбайжон мақоли*

* * *

*Отнинг кучи узоқ йўлда
билинар,
Одамнинг қалби — узоқ
вақт ўтиши билан.*

* * *

*Фақат вақтгина киши
қалбидаги нарсаларни
охиригача очиб
ташлайди.
Хитой ҳикматлари*





Гулрух МАМАРАИМОВА,

Тошкент давлат юридик университети
катта ўқитувчиси

НАСЛИ ПОКНИНГ – АСЛИ ПОК

АННОТАЦИЯ:

ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича боланинг насл-насабини аниқлаш, оталикни ФХДЁ ва суд тартибида белгилаш, боланинг у ёки бу онадан туғилганлигини ойдинлаштириш масалалари, оталикни ва оталик фактларини белгилашнинг фарқли жаҳатлари таҳлил қилинган ҳамда бугунги кунда боланинг насл-насабини аниқлашда биологик отанинг юридик ота сифатида эътироф этилиши ёки этилмаслигининг эҳтимоллари ўрганиб чиқилган. Шу билан бирга, ушбу мавзуга алоқадор қонунларнинг амалиётга қўлланилишидаги муаммолар ўрганилган ҳамда уларга ечимлар берилган.

Калит сўзлар: боланинг насл-насаби, оталикни, оталик фактини белгилаш, оталикни тан олганлик ёки боланинг у ёки бу онадан туғилганлигини аниқлаш, уч юз кун ичида янги никоҳга кириш ва бола туғиш, туғилишни қайд қилиш, оталик ва оналикка эътироз.

АННОТАЦИЯ:

данная статья в данной статье рассматриваются вопросы определения происхождения ребенка в соответствии с законодательством Республики Узбекистан, в том числе различные аспекты были проанализированы определение происхождения ребенка при регистрации рождения, определение отцовства в ЗАГС, определение отцовства в суде, факта происхождения ребенка от данной матери, разница между определением отцовства и установление факта отцовства.

Ключевые слова: происхождения ребенка, определение отцовства, установление факта признания отцовства, установление факта отцовства, факта происхождения ребенка от данной матери, регистрация рождения, оспаривание отцовства, оспаривание материнства

ANNOTATION:

this article deals with the issues of determining the pedigree of the child in accordance with the laws of the Republic of Uzbekistan, including the registration of the child's birth, paternity in court, paternity in court, paternity and other different aspects have been analyzed. Today, in determining the pedigree of a child, the probabilities of whether the biological father is recognized as the legal father and not are studied. As a result of the application of the norms of the legislation in practice, the problems of determining the pedigree of the child were studied and given solutions.

Keywords: definitions of a child's origin, paternity, determination of paternity, determination of the fact that the child was born from this or that mother, birth registration, objection to paternity, objection to motherhood.

Инсон ҳаётида насл-насаб энг муҳим шахсий масала ҳисобланади. У шахснинг жамиятдаги ўрни, халқ орасидаги обрў-эътибори, шунингдек оила ришталарини боғлаш масалаларига таъсир қилмай қолмайди. Инсоннинг насл-насабини белгилашдаги энг муҳим занжир унинг қайси ота-онадан туғилганлигини аниқлашдир. Ота-она орқали унинг ака-ука, опа-сингиллари-ю, бобо-момо ва бошқа қариндош уруғлари аниқланади.

Демак, насл-насаб масаласидаги энг муҳим бўғин бу ота-оналикни белгилашдир. Туғилишни қайд қилиш дафтаридаги туғилишга оид ёзув боланинг унда кўрсатилган ота-онадан туғилганлигини тасдиқловчи далил ҳисобланади. Шундан келиб чиқилса, оталик ва оналик одатда бола туғилишини қайд этишда белгиланади.

Туғилишни қайд этиш мамлакатимизда Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органлари томонидан амалга оширилади. Бунга бола туғилганлиги тўғрисида тиббий муассасанинг маълумотномаси асос қилиб олинади. Борди-ю бола тиббий муассасадан ташқарида туғилган бўлса, боланинг туғилганлиги, уни туққан онаси тўғрисида далолатнома тузилади¹. Бироқ, ушбу далолатномаларни тузишда асл ҳақиқат ифодаланмаганлиги (кўпинча фарзандликка олишдан қочиш ёки боланинг онасини ўзгартириб кўрсатиш эҳтимоли мавжудлиги) сабабли эндиликда бу далолатнома асосида туғилиш қайд қилинмайди. Шундай қилиб ҳозирги вақтда тиббий муассасадан ташқарида тиббий ёрдамсиз туғилган боланинг туғилиши тўғрисидаги далолатнома бўйича участка шифокори (фельдшер ёки акушер) томонидан туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома берилди ҳамда шу асосда туғилиш қайд қилинади.

Мазкур туғилишни қайд қилишга асос бўлувчи тиббий маълумотномада боланинг онаси ҳақида тўлиқ ва батафсил маълумотлар бўлади. Амалдаги қонунчиликка кўра, юқоридаги ҳужжатда онанинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, туғилган санаси, миллати, фуқаролиги, оилавий аҳволи тўғрисидаги маълумотлар мавжуд

бўлиши белгиланган. Ҳар доим ҳам мазкур маълумотнома бола туғилганида расмийлаштирилавермайди. Баъзи сабабларга кўра мазкур тиббий ҳужжат ўз вақтида олинмайди. Бундай вазиятда ФХДЁ томонидан туғилишни қайд қилишнинг имкони бўлмайди. Шу боис боланинг қачон, қайси онадан туғилганлиги фактлари суд томонидан аниқланади ва шунга кўра боланинг туғилиши ФХДЁ томонидан қайд қилинади, шу билан бирга маълумотноманинг она устуни тўлдирилиши билан оналик ҳам аниқланади.

Туғилишни қайд қилишда нафақат она, балки ота устунини тўлдириш орқали боланинг отаси ҳам белгиланади. Она фарзанди туғилганида ким билан қонуний никоҳда бўлган бўлса, туғилишни қайд қилиш тўғрисидаги ҳужжатлардаги ота устунида айнан ўша шахс кўрсатилади. Бошқа мамлакатларда ҳам худди шу тартиб мавжуд. Масалан, Германия Фуқаролик кодексининг 1592-моддасига асосан бола туғилган вақтда унинг онаси ким билан қонуний никоҳда бўлган бўлса боланинг отаси шу шахс ҳисобланади (бошқа қоидалар ҳам бор албатта)². Маълумки, ота устунида кўрсатилган шахс боланинг шу отадан туғилганлигини тасдиқлайди. Агар аёл қонуний никоҳи бекор қилинмаган, бироқ, қонуний никоҳдаги эри билан бирга яшамаса ва фарзандли бўлса бу ҳолда боланинг биологик отаси ким бўлишидан қатъий назар бола туғилган пайтда боланинг онаси билан қонуний никоҳда бўлган, бироқ боланинг онаси билан бирга яшамаган шахс ота сифатида кўрсатилади. Содда қилиб айтганда, биологик ота ҳар доим ҳам ҳуқуқий ота бўлолмайди, бунинг учун қонуний никоҳ муҳим аҳамият касб этади.

Агар боланинг ҳақиқий (биологик) отаси ҳужжатда ота сифатида ўзи кўрсатилишини хоҳласа, у ҳолда боланинг онаси билан биргаликда оталикни белгилаш тўғрисида ФХДЁга ариза ёзиши керак. ФХДЁ томонидан унинг оталиги белгиланиши учун боланинг онаси билан қонуний никоҳда турган шахснинг розилиги талаб қилинади. Худди шу каби боланинг онасини ёлғиз она сифатида расмийлаштириш учун ҳам боланинг онаси билан никоҳда турган шахснинг розилиги талаб қилинади.

Бугунги кунда мамлакатдан чиқиш ва кириш юқори даражада шаффофлашган ҳамда иш излаб ёхуд бошқа мақсадларда фуқароларимизнинг хорижий мамлакатларга кетадиган ҳолатлари кўп бўлганлиги боис боланинг онаси билан қонуний никоҳда турган шахсни доим ҳам топши ва унинг розилигини олишнинг имкони бўлавермайди. Бундай вазиятларда қонундаги тартиб туфайли боланинг биологик отаси бўлмаган шахс ўзининг эркидан ташқари боланинг юридик отасига айланган ҳолатларни ҳам учратишимиз мумкин.

Бола туғилишини қайд этиш ва оталикни аниқлашда бола туғилган вақтда онаси ҳеч ким билан қонуний никоҳда бўлмаганда ота-она (биологик ота, ўзини боланинг отасиман, деб тахмин қилаётган шахс ёки умуман болага дахли йўқ шахс) нинг биргаликдаги аризаси бўйича оталик белгиланади. Агар болани отаси тан олмаса аёл ёлғиз она сифатида расмийлаштирилади. Кўпинча “ёлғиз она” атамасини қўллашда чалкашликлар юз беради. Ёлғиз она бу – боласининг юридик отаси белгиланмаган она ҳисобланади. Бу боласини ёлғиз ўзи тарбиялаётган она дегани эмас. Оилада ёлғиз ўзи тарбияланаётган боланинг отаси бор, яъни у тегишли тартибда қайд қилинган. Лекин, аёл турли сабаблар (ажрим, эрнинг ўлими ва бошқалар)га кўра боласини отасидан алоҳида тарбиялаётган бўлса бу “ёлғиз она” эмас балки, “боласини ёлғиз тарбиялаётган она” ҳисобланади.

Ёлғиз онадан туғилган боланинг туғилишини қайд этишда ота устуни бўш қолдирилиши керак эмас. Бунда туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарида отанинг фамилияси онанинг фамилияси бўйича, отасининг исми ва миллати – она кўрсатмаси бўйича ёзилишига йўл қўйилади. Туғилишни қайд этиш дафтаридаги оталикни белгилувчи юридик факт ҳисобланувчи ота устунидаги ёзувларнинг мазкур усулда тўлдирилиши оталикни белгиламайди. Яъни, доим оталикни вужудга келтирувчи ёзувлар бу сафар юридик оталикни вужудга келтирмайди. Қайдда кўрсатилган шахс боланинг отаси ҳисобланмайди ва улар ўртасида ҳеч қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келмайди, ўзгармайди ва бекор бўлмайди.

Бола туғилган вақтда боланинг онаси биров билан никоҳда бўлмаса-да, бироқ эрининг ўлими, никоҳдан ажратилганлиги ёхуд никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганлиги туфайли никоҳ тугаган бўлса ва уч юз кун ичида бола туғилса, ана шу бола никоҳда туғилган бола ҳисобланади³.

Аёл бир никоҳдан ажрашгандан сўнг ёхуд унинг никоҳи эрнинг ўлими туфайли тугатилгандан сўнг, уч юз кун ичида янги никоҳга киришса



ва фарзанд кўрса бола янги никоҳдан туғилган ҳисобланади ва отаси сифатида аёлнинг амалдаги никоҳ бўйича эри кўрсатилади.

Хорижий мамлакатлар тажрибасига қарадиган бўлса Италия Фуқаролик кодексининг “Эрнинг оталиги” деб номланувчи 231-моддасида бола туғилганда ва онаси ҳомиладор бўлганда онанинг эри ҳисобланган шахс болага ота ҳисобланиши тўғрисидаги қоида мавжуд⁴. Шунингдек, Испания Фуқаролик кодексининг 113, 117, 118-моддаларида оталик презумпцияси ҳақида қоидалар бор⁵. Германия Фуқаролик кодексининг 1593-моддасига кўра, аёл бир никоҳни тугатиб 300 кун ичида янги никоҳга кирса, бола янги никоҳдан туғилган ҳисобланади. Бунда аёлнинг собиқ эри боланинг насл-насаби бўйича низолашиши мумкинлиги қайд қилинган.⁶

Юқорида болага оталикни беришда фарзанд туғилганда онаси билан никоҳда бўлган шахсда устунлик борлигини ва бу тартибга нафақат миллий қонунчилигимизда, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида ҳам амал қилинишини кўрдик.

Оталикни белгилашда энг муҳим омиллардан бири оталикни тан олишдир. Оталикни тан олиш – боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган шахснинг болани ўзининг боласи сифатида эътироф этишидир. Бу ФХДЁ ва суд орқали амалга оширилади. Бунда фақатгина отанинг тан олиши эмас, балки онанинг ҳам эътирофи муҳим ҳисобланади. Оталикни белгилашда биринчи ўринда бола туғилганда она билан никоҳда бўлган шахс ота ҳисобланса, иккинчи болани тан олиш қоидасидир.

Шунингдек, оталик биологик ота томонидан тан олинмаганда ёки боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган шахс ўзини боланинг биологик отасиман, деб тахмин қилса-ю она бу нарсага розилик бермаса оталик даъвоси билан судга мурожаат қилиш мумкин. Бундай вазиятда судда оталикни белгилашда далилларнинг уч даражасини ажратиш мумкин.

Биринчи даражали муҳим далил бу – жавобгарнинг боланинг отасилигини тан олиши бўлиб, бундай ҳолатда, агар тахмин қилинаётган

ота ўзини боланинг отаси эканлигини тан олса, суд иш ҳолатларини мазмунан текширмасдан, оталикни белгилаш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқаради.

Оталикни белгилашдаги иккинчи даражадаги далил – тахмин қилинаётган отанинг бола туғилишига қадар онаси билан бирга яшаганлиги, умумий рўзғор юритганлиги, болани биргаликда тарбиялаганлиги ёхуд таъминлаб турганлиги, шунингдек, боланинг отасилигини аниқ тасдиқловчи бошқа далилларнинг мавжудлигидир.

Учинчи даражадаги далил бу – тахмин қилинаётган ота билан боланинг қариндошлигини тасдиқловчи тиббий экспертизалар (ДНК ва бошқалар).

Боланинг юридик отаси биологик отаси эмаслиги ҳолатлари бу муаммо эмас. Боланинг биологик отаси ҳисобланмаган шахсларнинг болага нисбатан юридик оталиги вужудга келишида уларнинг розилиги муҳим ўрин тутди. Бунда икки хил вазиятни кузатиш мумкин, биринчиси боланинг биологик отаси бўлмаган шахснинг мазкур болага де-юре (қоидага кўра, расмиятчилик учун) ота бўлишида унинг ва бола онасининг эрки муҳим аҳамият касб этадиган ҳолатлар. Ва аксинча, биологик ота бўлмаган шахснинг де-юре боланинг отасига айланишида унинг эркидан ташқари ҳолда оталик белгиланиши мумкин бўлган ҳолатлар. Хусусан, бола туғилганда аёл билан қонуний никоҳда бўлган бироқ, у билан яшамаётган шахс мазкур презумпцияга асосан, боланинг отаси деб ҳисобланади ва белгиланади. Шунинг учун ҳам амалда бузилган ва тарафлар амалда бошқа шахслар билан “оилавий муносабатлар”-га киришганда никоҳларни ортиқча тўсиқларсиз бекор қилиш мақсадга мувофиқ.

Шахснинг ўз эркидан ташқари, оталик презумпцияси туфайли боланинг де-юре отаси бўлиши вазиятларида оталикка эътироз тўғрисида ишлар юзага келади. Оила кодексининг 63-моддасида оталик ва оналикка эътироз белгилаб қўйилган. Унга кўра, боланинг “отаси” ёки “онаси”, деб туғилиш дафтарида ёзилган шахс унга бундай ёзув маълум бўлган ёки маълум бўлиши лозим бўлган вақтдан эътиборан бир йил мобайнида ана шу ёзув тўғрисида суд тартибида эътироз билдиришга ҳақлидир, деб кўрсатилган. Агар шу вақтга келиб боланинг отаси ёки онаси, деб ёзилган шахс вояга етмаган бўлса, бир йиллик муддат мазкур шахс ўн саккиз ёшга тўлган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Оталик ва оналикка эътироз тартибини муҳокама қиладиган бўлсак, бунда энг муҳими бу даъво билан чиқиш ваколатига эга шахслардир. Миллий қонунчилигимизга кўра, бу даъво билан фақат боланинг юридик онаси ва юридик отаси чиқа олади. Хусусан, Оила кодексининг 62-моддаси учинчи қисмида агар никоҳ тугаганидан



кейин уч юз кун ичида бола туғилса ва бу даврда аёл янги никоҳга кирган бўлса, бола янги никоҳда туғилган ҳисобланиши ва бундай ҳолларда собиқ эр ёки унинг ота-онаси боланинг насл-насаби хусусида низолашиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Хўш, бу қандай амалга оширилади?

Олий суд Пленумининг “Судлар томонидан оталикни белгилашга оид ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида”ги қарорининг бешинчи банди иккинчи хатбошисида боланинг отаси тўғрисида ФХДЁ органлари томонидан амалга оширилган ёзув бола унда кўрсатилган шахсдан туғилганлигини тасдиқловчи далил ҳисобланиши туфайли, Оила кодекси 207-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ боланинг отаси сифатида бошқа аниқ шахс кўрсатилган ҳолда суд оталикни белгилаш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этилиши кўрсатилган. Демак, собиқ эр ва унинг оила аъзолари боланинг насл-насаби бўйича оталикни белгилаш юзасидан даъво кирита олмайди. Бу вазиятда олдин оталик бекор қилиниши лозим, шундан сўнггина оталик даъвоси билан мурожаат қилиш мумкин.

Хўш, энди аёлнинг собиқ эри бу вазиятда оталикка эътироз билдира оладими? Бу ҳолатда оталик ва оналикка эътироз билдирувчи субъектлар қонун билан аниқ белгилаб қўйилганлиги, яъни улар боланинг юридик онаси ва юридик отаси эканликлари учун аёлнинг собиқ эри бу вазиятда оталикка эътироз билдира олмайди. Агар боланинг онаси ва аёлнинг бола туғилган вақтда никоҳдаги эри рози бўлмаса, собиқ эрнинг оталигини белгилашнинг амалда имкони йўқ.

Мазкур вазият бошқа мамлакатлар қонунчилигида қуйидагича ифодаланган. Украина Оила Кодексининг учинчи, яъни “Она, ота ва бола ҳуқуқ ва мажбуриятлари” деб номланган бўлимининг 128-129-моддалари оталикни тан олишга бағишланган бўлиб, бунда ўзини боланинг отасиман, деб ҳисоблаётган шахс (биологик ота) боланинг туғилиш тўғрисидаги қайдда кўрсатилган отаси (юридик ота) билан низолашиши мумкин, яъни унинг оталикни тан олиш даъвоси билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи бор⁷.

Германияда бу масалага бироз бошқача ечим берилган. Германия Федератив Республикаси Фуқаролик кодексининг тўртинчи Оила ҳуқуқи китобининг “Аждод” деб номланувчи қисмида боланинг келиб чиқиши, унинг аждодларини белгилаш билан боғлиқ масалалар тартибга солинган. Жумладан, Германия қонунчилиги бўйича: де-юре ота, де-юре она, боланинг ҳақиқий отасиман, деб ҳисоблаётган шахс, боланинг ўзи, боланинг вакили оталикка эътироз билдириш ваколатига эга⁸.

Туркия қонунчилиги бўйича ҳам оталикка эътироз бўйича боланинг юридик онаси ва юридик

отаси, бола ва унинг вакили ҳамда ўзини боланинг отасиман деб ҳисоблаётган шахс аёлнинг розилиги билан даъво киритиши мумкин⁹.

Бу таҳлиллар шуни кўрсатади-ки, хорижий мамлакатлар қонунчилигига кўра, оталикка эътироз ўзини боланинг отасиман деб тахмин қилаётган шахс томонидан ҳам берилиши мумкин. Миллий қонунчилигимизда эса бундай эътироз фақат юридик она ёки юридик ота томонидан киритилиши белгиланган. Ўзини боланинг отасиман деяётган шахснинг оталикка эътироз бўйича даъво кирита олмаслигининг сабаби шуки, боланинг биологик отаси бўлмаган шахс боланинг онаси билан биргаликда ФХДЁ органига оталикни тан олиб мурожаат қилса, ФХДЁ бўлими ҳеч қандай биологик текширувларсиз мазкур шахснинг оталигини белгилайди. Шунингдек, боланинг оталиги суд томонидан белгиланганда жавобгар оталикни тан олса, унинг биологик оталиги текширилмайди ва суд оталикни белгилаш тўғрисида қарор чиқаради.

Агар оталикка эътироз даъвосини киритиш ҳуқуқи бола ва биологик отага берилса боланинг отасилигини тан олган ва натижада болага ғамхўрлик қилган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилади. Шу боис боланинг отаси эканлигини тан олган ва натижада болага ғамхўрлик қилган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатлаш мақсадида қонунчилигимиздаги мазкур тартиб тўғри, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2016 йил 26 декабрдаги 306-мх-сонли буйруғи (рўхат рақами 2547-1, 26.12.2016 й.) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2016 й., 52-сон, 608-модда.
2. Bürgerliches Gesetzbuch (BGB). 1593 Vaterschaft bei Auflösung der Ehe durch Tod // https://www.gesetze-im-internet.de/bgb/_1592.html.
3. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 60-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сонга илова.
4. Codice Civile Italia // <http://extwprlegs1.fao.org/docs/pdf/ita197336.pdf>.
5. Spanish Civil Code (Codigo Civil Espanol). // [https://www.mjusticia.gob.es/es/AreaTematica/DocumentacionPublicaciones/Documents/Spanish_Civil_Code_\(Codigo_Civil_Espanol\).PDF](https://www.mjusticia.gob.es/es/AreaTematica/DocumentacionPublicaciones/Documents/Spanish_Civil_Code_(Codigo_Civil_Espanol).PDF).
6. Bürgerliches Gesetzbuch (BGB). 1593 Vaterschaft bei Auflösung der Ehe durch Tod // https://www.gesetze-im-internet.de/bgb/_1593.html.
7. Сімейний кодекс України. (Відомості Верховної Ради України (ВВР), 2002, № 21-22, ст.135) // <https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/2947-14#Text>.
8. Bürgerliches Gesetzbuch (BGB). // <https://www.gesetze-im-internet.de/bgb>.
9. Türk Medeni kanunu. İkinci kitap aile hukuku. İkinci kısım hisimlik birinci bölüm soybağının kurulması. İkinci ayırım kocanın babalığı // <https://www.mevzuat.gov.tr/MevzuatMetin/1.5.4721.pdf>.



Икром

ЭРГАШЕВ,

ТДЮУ мустақил
изланувчиси,
юридик фанлар
бўйича фалсафа
доктори (PhD)

АННОТАЦИЯ:

Ушбу мақолада солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик асослари ёритилган. Ўзбекистон Республикасида солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик масаласини солиқ ва молия ҳуқуқига доир илмий-назарий адабиётлар, тегишли статистик маълумотлар ва бошқа амалиёт материалларини ўрганиш орқали таҳлил қилиш муҳимлиги қайд этилган.

Калит сўзлар: *солиқ турлари, мажбурий тўловлар, солиқ мажбурияти, солиқ тўловчи, жавобгарлик, молиявий жавобгарлик, юридик жавобгарлик.*

Солиққа оид қонун бузилиши жиноий қилмиш саналиб, маъмурий ва солиққа оид ҳуқуқбузарлик тарзида содир этилади. Шундан келиб чиқиб, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун юридик жавобгарлик белгиланиши ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Жиноят кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Эътибор қаратишимиз лозим бўлган иккинчи масала солиққа оид ҳуқуқбузарлик тушунчасидир. Жумладан, ҳуқуқшунос олим А.В.Демин ушбу тушунчага “ҳуқуқий таъсир чораси сифатида молиявий чекловларни қўллаш кўзда тутилган, солиққа оид мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган ҳуқуққа хилоф, айбли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик¹” — дея изоҳ беради. Ҳуқуқшунос олим Л.В.Хван эса, “ҳуқуққа хилоф, айбли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ҳисобланиб, қонунчилик нормаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганликда ифодаланади ҳамда бунинг учун турли ҳуқуқ соҳалари қонунчилик ҳужжатлари билан ҳуқуқий жавобгарлик назарда тутилган²” — дея таъриф беради.

Э.Т.Хожиев эса, жавобгарлик назарда тутилган ҳамда солиқ қонунчилиги билан тартибга солинадиган ва қўриқланадиган муносабатларга тажовуз қилувчи ҳуқуққа хилоф, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизликдан) содир этилган қилмиш, деб ҳисоблайди.

Умуман, солиққа оид ҳуқуқбузарлик тушунчасига юқоридаги олимлар томонидан берилган таърифларни таҳлил қилиш натижасида А.В.Демин, Р.Т.Бердияров ва З.Н.Қурбоновлар бир мунча тўғри ёндашган деган хулосага келдик. Аммо, Л.В.Хваннинг таърифидаги “солиқ ҳуқуқбузарлиги учун турли ҳуқуқ соҳалари қонунчилик ҳужжатлари билан жавобгарлик назарда тутилган” — деган фикри солиққа оид ҳуқуқбузарлик тушунчасини бошқа ҳуқуқ соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар, шунингдек солиққа оид жиноятлар тушунчасидан фарқлашни мураккаблаштиради. Э.Т.Хожиев томонидан берилган таърифда эса, мазкур тушунча-

нинг барча ҳуқуқий хусусиятлари ифодаланган. Бу эса, солиққа оид ҳуқуқбузарликнинг мазмун-моҳиятини тўғри талқин қилишда ёрдам беради.

Бизнинг-ча, ҳуқуқшунос олимларнинг фикрларидан келиб чиқиб солиққа оид ҳуқуқбузарлик тушунчасининг қуйидаги белгиларини келтириб ўтишимиз мумкин:

солиқ қонунчилиги нормалари талаблари бузилганлиги факти;

қилмишнинг ҳуқуққа хилофлиги;

қилмишнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизликда ифодаланиши;

қилмишнинг қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилиши;

содир этилган қилмиш учун давлат ва унинг ваколатли органлари ёки мансабдор шахслари томонидан мажбурлов чораларининг қўлланилиши ва бошқалар.

Шунга мувофиқ солиққа оид ҳуқуқбузарлик – бу солиқ муносабатлари иштирокчиларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиши оқибатида молиявий чекловлар назарда тутилган, қасд ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилувчи айбли, ҳуқуққа хилоф қилмиши (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)дир.

Бир қатор МДҲ давлатларининг солиқ қонунчилиги таҳлил қилинганда солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тушунчасига берилган таърифларида солиқ агентларининг жавобгарлиги ҳам назарда тутилади. Масалан, Россия Федерацияси Солиқ кодексида бу тушунча қуйидагича ифодаланган: солиқ тўловчилар, солиқ агентлари ва бошқа шахсларнинг мазкур кодексда жавобгарлик белгиланган айби, ҳуқуққа хилоф (солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш) қилмиши, ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги солиққа оид ҳуқуқбузарликдир³.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 210-моддасида солиқ тўловчининг, солиқ агентининг ёки бошқа шахснинг солиқ кодексида жавобгарлик

белгиланган гайриқонуний айбли қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) солиққа оид ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилади.

Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар хусусида гап борар экан, аввало, бунда унинг ҳуқуқий жиҳатларига ҳам эътибор қаратишимиз лозим. Ю.А.Крохина солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг қуйидаги кўринишларини санаб ўтади:

*ҳуқуққа хилофлиги;
айбнинг мавжудлиги;
қилмишнинг жазога сазоворлиги⁴.*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига эса солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг:

*қилмишнинг гайриқонунийлиги;
айбнинг мавжудлиги;
жавобгарликнинг муқаррарлиги*

каби турлари санаб ўтилган.

Солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги учун жавобгарликни белгилашда унинг ҳуқуқий таркибини аниқлаш муҳим масаладир. Ҳуқуқшуносликда мазкур тушунчага – ҳуқуқ билан ўрнатилган ва қилмишни ҳуқуқбузарлик сифатида характерловчи хусусиятлар йиғиндисидир дея таъриф берилган. Шундай қилиб, ҳуқуқбузарликнинг таркиби – бу унинг нималардан ташкил топганлигини кўрсатдиган жамланма яъни, унинг қисмлари йиғиндисидир⁵. Бунда ҳуқуқбузарликнинг ҳуқуқий хусусияти ва ҳуқуқий таркиби тушунчаларини фарқлаш лозим. Мазкур тушунчалар икки хил, яъни ҳуқуқий таркиб – қилмишни ҳуқуқбузарлик сифатида эътироф этса, ҳуқуқий хусусиятлар – ҳуқуқбузарликнинг мазмунини очиб беради.

Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар қуйидагилардан таркиб топади:

Ҳуқуқбузарлик объекти – бу ҳар қандай ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлардир. Шунга кўра, биз солиққа оид ҳуқуқбузарликнинг объекти сифатида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган ва муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатларни эътироф этамиз.

Ҳуқуқбузарлик субъекти – бу ҳар қандай ҳуқуқбузарликни содир этган муомала лаёқатига эга бўлган шахсдир⁶. Мамлакатимиз солиқ қонунчилигида солиққа оид ҳуқуқбузарлик субъектлари сифатида жисмоний ва юридик шахслар эътироф этилади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 19-моддасига кўра, солиқ тўловчилар, солиқ агентлари ва ваколатли органлар солиқ муносабатларининг субъектларидир.

Улар ўзига юклатилган солиқ мажбуриятларини бажармаган ёки амалдаги солиқ қонунчилигига зид хатти-ҳаракатларни содир этганларида ҳуқуқбузарлик субъекти деб топилади.



Шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарлик масаласи кўриб чиқиляётганда эса қуйидагиларга эътибор қаратишни лозим деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, солиққа оид ҳуқуқбузарлик таркибининг мавжудлигига;

иккинчидан, ҳуқуқбузарлик таркиби мавжуд бўлмаган ҳолда солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликдан озод қилишга;

учинчидан, солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганликдаги айбини ва уни жавобгарликка тортишни истисно қиладиган ҳолатларнинг мавжудлигига;

тўртинчидан, солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга ва бошқалар.

Мухтасар қилиб айтганда, солиқ ҳуқуқбузарлигини содир этган шахснинг айбини аниқлашда қонун ҳужжатларида белгиланган барча ҳолатларнинг эътиборга олинishi жазонинг янада адолатли бўлишини таъминлайди. Аммо, амалдаги солиқ қонунчилигида айбни аниқлаш хусусиятлари, жумладан унинг шакллари хусусида меъёр мавжуд эмас. Яъни, қилмиш ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилиши учун айбли бўлиши лозим. Айб эса, ўз навбатида қасд ва эҳтиётсизлик каби шакллардан иборат бўлади. Ҳуқуқбузарлик субъектининг айблилик даражасини аниқлашда бу асосий мезондир. Шундан келиб чиқиб, мазкур кодексга қилмишнинг қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилганлигини белгиловчи банд кирилса солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораси янада адолатли тарзда қўлланилган бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Демин А.В. Налоговое право России. Учебное пособие. – Красноярск, 2006. – С.267.
2. Хван Л.Б. Солиқ ҳуқуқи. –Т., Консаудитинформ, 2001. – Б.118.
3. Налоговый кодекс Российской Федерации. ст.106 // Norma 2016. Ўзбекистон Республикасининг ахборот- ҳуқуқий тизими.
4. Хожиев Э.Т. Солиқ қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик. Монография. –Т., 2006. – Б.54-55.
5. Амиров З.Ҳуқуқбузарлик таркиби объекти ва объектив томони масалалари // Олий ҳужалик суди ахборотномаси. 2009 йил 7-сон. – Б.44.
6. Амиров З.Ҳуқуқбузарлик таркиби объекти ва объектив томони масалалари // Олий ҳужалик суди ахборотномаси. 2009 йил 7-сон. – Б.45.



**Озоджон
РАЖАБОВ,**
Бухоро туман-
лараро маъмурий
судининг судьяси

УЙ-ЖОЙГА ЭГАЛИК ҲУҚУҚИ ҚАЙТАРИЛДИ

Дунё миқёсида аҳоли сонининг ўсиб бориши миллиардлаб инсонларни озиқ-овқату кийим-кечак, бошпана билан таъминлаш каби долзарб вазифаларни амалга оширишни кун тартибига чиқаради. Барча мамлакатларда бўлгани каби юртимизда ҳам аҳолининг уй-жойга бўлган талаби кун сайин ошиб борапти.

Турли идораларга ноқонуний қурилган уй-жой масалалари борасида шикоятлар сони кескин ошди. Республиканинг баъзи ҳудудларида ўзбошимчалик билан қурилган уйларни бузиш амалиёти ҳам авж олди. Ана шу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида 2018 йилнинг 20 апрелида Президентимиз «Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида»ги фармони имзолади. Хужжатга биноан, уй-жойга доир ҳуқуқларнинг амалга оширилиши ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун шарт-шароитларни яратиш мақсадида бундай турар-жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акцияси эълон қилинди. Мазкур Фармон қабул қилинган вақтга қадар қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида ёки иморат қуриш учун рухсатнома олмасдан қурилган турар-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи узлуксиз эгалик қилаётган шахсга бир қанча шартлар асосида эътироф этиладиган бўлди. 2018 йилнинг 21 июнида Вазирлар Маҳкамаси Президент фармони ижросини таъминлаш юзасидан қарор қабул қилди ва шу асосда мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлади. Низом турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акцияси доирасида жисмоний шахсларнинг қурилиш мақсадлари учун ажра-

тилмаган ер участкаларида ёки ўзбошимчалик билан қурилган яқка тартибдаги уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тартибини белгилаб берди. Гарчи бу борада қонунчиликка ҳам тегишли ўзгартиришлар киритилиб, ривожлантирилган бўлса-да мутасадди идораларнинг айби билан тушунмовчиликлар ҳам рўй берди. Фикрларимизни бир суд очерки мисолида давом эттираемиз.

Аризачи Ё.С. 2021 йил 9 июнь куни Бухоро туманлараро маъмурий судига мурожаат қилиб, Вобкент туман собиқ “Зарафшон” номли ширкат хўжалиги Розмоз қишлоғида отаси Ё.М. ва онаси Р.Қ.лар биргаликда турмуш қуриб яшаганликларини, онаси 16.06.1997 йилда вафот этганлигини, отаси уй-жойини Вобкент туман нотариуси орқали 02.06.1999 йилда васиятнома асосида унга қолдирганлигини, отаси эса 27.04.2004 йилда вафот этганлигини, отаси вафотидан сўнг васиятнома асосида қурилган уй-жой отаси номида эканлиги тасдиқлаб берилганлигини, шундан сўнг Вобкент туман кўчмас мулк-кадастр корхонаси томонидан туман ҳокимининг 25.08.2012 йилдаги 783-сонли қарорига асосан кадастр хужжатлари тайёрланиб, 11.12.2012 йилда давлат рўйхатидан ўтказилиб, 20:02:08:03:02:0297-сонли кадастр рақами берилганлигини баён қилган. Аризачининг билдиришича у 2021 йил март ойларида у уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этувчи гувоҳномани олиш учун Вобкент туман ДХМга мурожаат қилганида мазкур уй акаси Ё.Ф.нинг номига расмийлаштирилганлигини билган ва жавобгар Вобкент туман ҳокимининг 2019 йил 14 июнь кундаги 6101-сонли қарорини ва уй-жойга нисбатан акаси номига чиқарилган кадастр хужжатларини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Судда жавобгар Вобкент туман ҳокимлиги вакили аризага асосан ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳар тарафлама ўрганиб чиқилганлигини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 июндаги 461-сонли қарори негизда Вобкент туман ҳокимлиги ҳузурдаги кўчмас мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича туман комиссияси мазкур уй-жойни ўрганиб,



низо бўлмаганлиги сабабли ўзининг ижобий хулосасини берганлигини, туман ҳокимлиги тегишли хулосага асосланиб, Вобкент туман ҳокимининг 2019 йил 14 июнь кундаги 6101-сонли қарори билан фуқаро Ғ.Ё.га Вобкент туман “Розмоз” МФЙ, “Розмоз” қишлоғида жойлашган умумий ер майдони 127,2 кв.метр, фойдали ер майдони 53,64 кв.метр, яшаш майдони 42,84 метрдан иборат уй-жойга нисбатан эгаллик ҳуқуқи берилганлигини эътироф этган. Унинг таъкидлашича, махсус комиссия аъзолари муқаддам уй-жой кимнингдир номига расмийлаштирилганлигига, у ерда низо мавжуд ёки мавжуд эмаслигига аниқлик киритиб, ўзининг ижобий ёки салбий хулосасини бериши лозим бўлсада, мазкур низоли уй-жойни фуқаро Ғ.Ё.нинг номига расмийлаштиришда айнан шу уй-жойнинг марҳум М.Ё.нинг номида бўлганлигини, унга кадастр ҳужжатлари расмийлаштириш жараёнида ташкилот томонидан аниқлик киритилмаганлигини, яъни айнан ўша жой бошқа биров номига давлат рўйхатидан ўтказилганлигини, бунинг оқибатида туман ҳокимлиги томонидан нотўғри қарор қабул қилинганлигини билдириб, ишни қонуний ҳал қилишни сўраган. Суриштирув жараёнида учинчи шахс сифатида иштирок этган Ғ.Ё.нинг отаси М.Ё. томонидан уй-жой кенжа укаси С.Ё.га қолдирилганлигини, бироқ у уй-жойга эътиборсиз бўлиб, қарамай қўйганлигини, Россия давлатига ишлаш мақсадида кетган даврида у ота-онасидан қолган уй-жойни обод қилиб, солиқ тўловларини тўлаганлигини, шу сабабли унинг турмуш ўртоғи Ф.Ж. мазкур уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи берилишини сўраб туман ҳокимлигига ариза билан мурожаат қилганлигини билдирган ва ишни қонуний ҳал қилишларини сўраган.

Судда, жавобгар Давлат кадастрлар палатаси Бухоро вилоят бошқармаси Вобкент туман филиали мутахассиси Т. В.нинг фикрлари ҳам тингланган. У уйнинг ҳолатига баҳо беришда кадастр идораси шошма-шошарликка йўл қўйганлигини, айнан ўша даврда иш ҳажми ошиб кетганлигини, қолаверса аслида низоли уй-жой М.Ё.нинг номида эканлиги ҳамда унга кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилганлигини базадан аниқлаш имкони мавжуд бўлсада, айнан ўша даврда техник носозликлар туфайли кадастр ташкилоти томонидан ҳолатга аниқлик киритилмасдан фуқаро С.Ё. ва бошқа меросхўрларнинг ҳуқуқлари бузилганлигини билдириб, ишни қонуний ҳал қилишни сўрайди. Бундан кўринадики, туман ҳокимлиги ва кадастр бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 июндаги 461-сонли қарори ва қарор билан тасдиқланган Низом талабларига риоя қилинмаган ҳолда ҳужжатлар расмийлаштирилган. Суд тарафларнинг тушунтиришлари ва адвокат фикрини эшитиб, ишдаги мавжуд ҳужжатлар-



ни муҳокама ва таҳлил қилиб мазкур уй-жой марҳум М.Ё.нинг номида бўлганлигини ва С.Ё.га мерос қилинганлигини, Вобкент туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри корхонаси томонидан 2012 йил 11 декабрда давлат рўйхатидан ўтказилиб 0:02:08:03:02:0297-сонли кадастр рақами берилганини, Ғ.Ё.га нисбатан шошма-шошарлик билан эгаллик ҳуқуқи борасида қарор чиқарилганлигини аниқлайди.

Юқоридаги баён этилганларга асосланиб суд, Вобкент туман ҳокими ва кадастр бўлими мазкур ҳужжатларни қабул қилишда юқорида қайд қилинган қонун талабларига риоя қилмаган ҳолда қарор қабул қилганлиги боис, аризачи С.Ё.нинг жавобгар Вобкент туман ҳокимлиги ҳамда Вобкент туман ер мулк кадастр корхонасига нисбатан Вобкент туман ҳокимининг 2019 йил 14 июндаги 6101-сонли қарорини ва уй-жойга нисбатан чиқарилган кадастр ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги шикоят аризасини қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Суд давлат божи ва суд харажатларини ундириш масаласини ҳам муҳокама қилиб, аризачи С.Ё. томонидан дастлаб судга шикоят аризаси билан мурожаат қилинишида давлат божи учун 245.000 сўм ва 19.600 сўм почта харажати тўланганлигини ва шикоят аризаси қаноатлантирилганлигини инобатга олиб, жавобгар Вобкент туман ҳокимлигидан аризачи С.Ё.нинг фойдасига 245.000 сўм давлат божи ва 19.600 сўм почта харажати, Давлат кадастрлар палатаси Бухоро вилоят бошқармаси Вобкент туман филиалидан давлат фойдасига 245.000 сўм давлат божи ундиришни лозим топади.

Юқорида кўриб ўтилган ҳолат Республика бўйича ягона ҳодиса эмас. Ўша йилларда худди шундай вазият билан минглаб аризалар тушган ва аксарияти ижобий ҳал қилинган. Аммо мутасадди идораларнинг масъулиятсизлиги боис кўплаб юртдошларимизнинг сарсон-саргардон бўлганлиги ҳам сир эмас. Бундай воқеалар тақдорланмаслигининг ягона шарти эса ҳар бир соҳа эгасининг ўз ишига масъулият билан ёндашиши ва тегишли қонун ҳамда қарорларни пухта ўзлаштиришидир.



**Нодиржон
КИМСАНОВ,**
Судьялар олий
мактаби
тингловчиси

ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ ИНСТИТУТИ ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада жиноят ҳуқуқида жавобгарлик ва жазодан озод қилишда миллий ва халқаро қонунчилик ҳамда мутахассисларнинг илмий изланишлари ўрганилиб, жавобгарлик ва жазодан озод қилишни қўллаш асослари ҳамда муаммолари ёритилган. Миллий қонунчилигимиз учун тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: жиноий жавобгарлик, жазо тайинлаш, жавобгарликдан озод қилиш, жазодан озод қилиш, жазодан озод қилиш турлари, шартли жазодан озод қилиш.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси¹да жиноят қонунчилигига хорижий давлатлар тажрибасини имплементация қилиш, шу жумладан жазони енгиллаштириш, шахсни жиноий жавобгарлик ёхуд жазодан озод қилиш шартларини ўзида жамлаган меъёрларни кенгайтириш лозимлиги назарда тутилган. Шунга кўра, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни такомиллаштиришда ривожланган мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мазкур институтни ривожлантиришнинг янгича методологик асосларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси умумий қисмининг XIII боби “Жазодан озод қилишнинг турлари”га бағишланган бўлиб, унда жазодан озод қилишнинг қуйидаги турлари келтирилади:

- 1) жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш; (69-модда);
- 2) шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиш (70-модда);
- 3) айбдорнинг чин қўнғилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш (71-модда);
- 4) шартли ҳукм қилиш (72-модда);
- 5) жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш (73-модда);
- 6) жазони енгилроғи билан алмаштириш (74-модда);
- 7) касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жазодан озод қилиш (75-модда);
- 8) амнистия акти ёки авф этиш асосида жазодан озод қилиш (76-модда)².

Бугунги кунда хорижий мамлакатлар жиноий қонунчилигининг бир-бирларига таъсири кузатишмоқда. Бу эса, хорижий давлатлар қонунчилигидаги институтларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини таҳлил қилиш, уларнинг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш ва миллий қонунчиликни қайта кўриб чиқишни заруратга айлантирмоқда. Бу борада мутахассисларнинг қарашлари турлича. Хусусан, В.Бабуриин миллий жиноий қонунчиликни ўрганишга кенг қамровли ёндашув фақат чет эл жиноий қонунчилигини билиш ҳамда таҳлил этиш орқали амалга оширилиши мумкинлигини таъкидлаб ўтган³.

Н.В. Буленкова хорижий давлатларнинг қонунчилигини жазони енгиллаштириш асослари ва уларнинг жиноий-ҳуқуқий оқибатларга таъсирини тартибга солиш нуқтаи назаридан ўрганиш, таҳлил қилиш⁴ муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди.

МДХ давлатлари қонунчилигида жавобгарлик ва жазодан озод қилиш турлари ва шартлари деярли бир хил. Лекин айрим фарқли тарафлари ҳам мавжуд. Шу нуқтаи назардан уларни ўрганиш ва таҳлил қилишни лозим деб ҳисоблаймиз.

Россия Федерацияси, Қозоғистон, Беларусь, Қирғизистон, Озарбайжон каби бир қатор давлатларнинг жиноят қонунчилигида жавобгарлик ва жазодан озод қилиш алоҳида институт сифатида белгилаб қўйилган.

Хусусан, Россия Федерацияси жиноят қонунчилигига кўра, интизомий қисмга жўнатилган, мажбурий меҳнат ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоларини⁵ ўтаётган шахслар жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилиниши мумкин.

Бизнинг қонунчилигимизда эса интизомий қисмга жўнатилган, хизмат бўйича чеклов ўрнатилган, озодликни чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинган шахслар муддатидан илгари шартли озод қилиниши мумкин.

Россия Федерацияси қонунчилигига кўра, агар суд шахснинг тузалиши учун тайинланган жазони тўлиқ адо этиши шарт эмас, деб ҳисобласа ёки етказилган зарарнинг тўлиқ ёки қисман қопланганини инобатга олиб шахсни муддатидан илгари шартли озод қилиши мумкин. Бундай ҳолатда маҳкум тўлиқ ёки қисман қўшимча жазо турини ўташдан ҳам озод қилинади.

Шунингдек, Россия Федерацияси қонунчилигида вояга етмаган шахсларни жазодан озод қилиш ёки шартли ҳукм қилиш институти мавжуд бўлиб у Жиноят кодексининг 92-93-моддалари билан тартибга солинади⁶. Бизнинг қонунчилигимизда эса вояга етмаган шахсларни жазодан озод қилиш институти сифатида унга нисбатан мажбурулов чораларини қўллаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш шартлиги кўрсатиб ўтилган ҳолос.

Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг V бўлими жавобгарлик ва жазодан озод қилиш масалаларига бағишланган. Унда жавобгарлик ва жазодан озод қилишнинг турлари, уларни қўллаш асослари ва шартлари белгиланган.

Қозоғистон Республикаси қонунчилигида жазодан озод қилишнинг бир нечта турлари мавжуд. Бизнинг қонунчилигимиздан фарқли равишда Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 69-моддасига кўра, ўлим ёки инсон соғлиғига жиддий зарар етказиш билан боғлиқ бўлмаган жиноят, кичик ёки ўрта оғирликдаги жиноятни содир этган шахснинг қилмиши учун асосий жазо тури қаторида жарима назарда тутилган бўлса, шахс суд томонидан қафиллик белгиланиши орқали жазодан озод қилиниши мумкин⁷.

Содир этилган жиноий ҳаракат учун белгиланган жариманинг энг юқори миқдори даражасида гаров пули тўлангандан сўнг қафиллик белгиланади.

Агар жазодан озод қилинган шахс кафолат муддати давомида жиноий қилмишни такрор содир этмаса кафолат муддати ўтганидан кейин гаров қафиллиги қайтарилади.

Агар гаров кафолат муддати даврида шахс янги жиноий қилмиш содир этса, суд уни жазодан озод қилиш тўғрисидаги қарорни бекор қилади ва унга қоғдаларга мувофиқ жазо тайинлайди. Бундай ҳолда гаров пули давлат даромадига айланади.

Белорусь Республикаси Жиноят кодексининг 94-моддасига асосан, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахс ёнғин, табиий офат, оғир касаллик ёки оиланинг ягона меҳнатга лаёқатли аъзосининг ўлими ёки бошқа фавқулодда ҳолатлар туфайли жазодан озод қилиниши мумкин.

Молдава Республикаси Жиноят кодексининг 93-моддаси вояга етмаганларни жазодан озод қилишни назарда тутди. Ижтимоий хавфи кичик, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноят содир этганликда айбланган вояга етмаган шахсларга тарбиявий мажбурлов чораларини қўллаш орқали жазонинг мақсадларига эришиш мумкинлиги аниқланса суд томонидан жазодан озод қилиниши мумкинлиги кўрсатилган⁸. Молдова ЖКнинг 91-моддасига асосан илгари содир этган жинояти учун жазодан озод этилмаган ва жиноят натижасида етказилган зарарларни қоплаганларга нисбатан жиноий жазодан озод қилиш институти мавжуд.

АҚШ қонунчилигига кўра:

- содир этган жиноятнинг тури;
- шахсга нисбатан белгиланган жазо муддатининг ўталган қисми;
- муддатидан илгари шартли озод қилишга ваколатли бўлган орган маҳкум жазони ўташ даврида “ўзини яхши тутган”лигини ва озодликка чиққандан кейин махсус топшириқларни бажаришга қодир деб ҳисобласа у муддатидан олдин озод қилиниши мумкин.

Масалан, Нью-Йорк штати жиноят кодексига муддатидан илгари шартли озод қилишнинг “маҳкумнинг сўзларига ишониш” каби имтиёзли тури мавжуд. “Маҳкумнинг сўзларига ишониш” шифокорнинг тиббий кўрсатмаларига асосан ёки “шок” усулида қамоққа олиш дастуридан муваффақиятли ўтганларга нисбатан қўлланилади.

Франция Жиноят процессуал кодексига маҳкумни муддатидан илгари озод қилишнинг шартли ва шартсиз турлари мавжуд.

Муддатидан илгари шартли озод қилишга қуйидагилар асос бўлади:

- маҳкумнинг ижтимоий жиҳатдан тикланганлиги тўғрисида маълумотларнинг мавжудлиги;
- маҳкум унга тайинланган жазо муддатининг ярмини (рецидивистлар 2/3 қисмини, умрбод қамоқ жазоси тайинланган маҳкумлар камида 15 йилни) ўтаганда.

Жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилиш маҳкумга нисбатан тайинланган жазо муддати 5 йилгача бўлган ҳолларда суд томонидан, муддат 5 йилдан ортиқ бўлган ҳолларда адлия вазири томонидан амалга оширилади. Бунда, тегишли ҳужжатлар жазони ижро этиш муассасаси комиссияси ҳулосасига асосан судья томонидан тайинланади ва адлия вазирига тақдим этилади.

Германия қонунчилигида муддатидан илгари шартли озод қилиш фақатгина суд томонидан амалга оширилади. Жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилиш маҳкум унга нисбатан тайинланган жазонинг 2/3 қисмини ўтаган бўлса (бирок, муддат 2 ойдан кам бўлмаслиги шарт), шунингдек маҳкум жазонинг қолган қисмини ўтамаганда, унинг жиноят содир этмаслигига ишонч ҳосил қилинганда қўлланилади, бунда маҳкумнинг розилиги олиниши шарт, деб белгиланган.

Австрия қонунларида маҳкумга нисбатан тайинланган жазо муддатининг белгиланган қисмини ўташ ва маҳбусни жиноят содир этмаслигига ишонч ҳосил қилишдан ташқари ҳуқуқбузарнинг шахси ва сифатлари, унга нисбатан жазо тайинлангунга қадар бўлган ҳаёти ва унинг жазони ўташ вақтида ўзини тутиши каби бошқа шароитлар ҳам инobatга олинади.

Япония Жиноят кодексига асосан маҳкумни жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилиш суд томонидан эмас, балки маъмурий органлар томонидан амалга оширилади.

Хитой Халқ Республикаси қонунчилигида маҳкум тайинланган жазо муддатининг белгиланган қисмини ўтаганидан ташқари, содир этган жиноятдан пушаймонлиги ҳамда тўғриланиш йўлига кирганлиги муддатидан илгари шартли озод қилишнинг асосий шартлари сифатида келтирилган.

Хулоса қиладиган бўлсак, гаров ёки қафилликни белгилаш орқали, шунингдек, алоҳида модда билан вояга етмаган шахсларни мажбурлов чораларини қўллаш воситасида тарбиялаш мумкин, деган ҳулосага келинганида уларга тайинланган жазони ўташдан озод қилиш, биринчи марта содир этган жинояти учун ҳамда зарарларни тўлиқ қоплаганлик ҳолати ва фавқулодда ҳолатларда жазодан озод этиш институти жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 1-сон.
2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 07/18/3723/1225-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон.
3. Бабуринов В.В. Система современного уголовного права: монография. – Омск: Омская академия МВД России, 2015. – С.38. (140 с.).
4. Буленкова Н.В. О некоторых вопросах смягчения наказания по зарубежному законодательству // Юрид. мысль. 2015. № 6. – С. 144 – 151.
5. https://kodeksy-by.com/ugolovnyj_kodeks_rb/47.htm
6. https://kodeksy-by.com/ugolovnyj_kodeks_rb/47.htm
7. <https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000226>.
8. http://continent-online.com/Document/?doc_id=30394923#pos=1166;53.



Аслиддин БОЛТАЕВ,
Судьялар олий мактаби
тингловчиси

ҚОЗИЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА

Бурҳониддин Марғиноний “Ҳидоя” асарининг “Қозилик мақоми” бўлимида қозилар қандай бўлиши лозимлиги ҳақида ёзган. Унга кўра қозилар шариат илмларини яхши билиши, озода бўлиши, мустақил қарорлар қабул қила олиши, адолат ила ҳукм этиши, ҳуқуқ ва муомалада ишончли бўлиши ҳамда ақли расо шахс бўлиши лозим.

Уларга таъмагирлик қилиш, хусуматчилардан совға-саломлар олиш қатъиян ман қилинган. Қозилар Қуръон ва Суннат илмларини мукамал билувчи, фикҳ илмида моҳир олим ва шариат қонунларини татбиқ этувчи шахслар саналган.

Бундан ташқари, қозилик учун асосий дастур бўлиб келаётган яна бир тарихий ҳужжат бор. Бу — “Умар ибн Хаттобнинг Абу Мусо Ашъарийга мактуби” дея номланган ва шу ном остида машҳур бўлган мактубдир. Умар розияллоху анхунинг халифалик даврида Абу Мусо Ашъарий розияллоху анху вилоятлардан бирида қози бўлган ва Умар розияллоху анху Абу Мусо Ашъарий розияллоху анхуга ушбу машҳур мактубни юборган.

Умар ибн Хаттоб Абу Мусо Ашъарийга бундай ёзган эди:

“Аммо баъд. Дарҳақиқат, қозилик ишлари муҳкам фарз ва бардавом суннатдир. Қачон сенга бирон ҳужжат келтирилса, уни яхши фаҳмлаб ол. Ҳақ равшан бўлган ҳолда уни юзага чиқар. Ўтмайдиган ҳақ учун (ўртага тушиб) гапириш манфаат бермайди. Икки тараф орасида юзинг, мажлисинг ва адолатингни бир хил қилгин. Тоинки, сенинг жавринг (ён босишинг)га шараф (томон) тамаъ қилиб қолмасин ва заиф (томон) сенинг адолатингдан ноумид бўлиб қолмасин. Даъво қилганга ҳужжат келтириш, инкор қилганга эса қасам ичиш лозим бўлади”, — дея қозининг адолатли бўлишини таъкидлайди. Замоноавий суд тизимида ярашув институтига катта аҳамият қаратилмоқда. Чунки, унинг пойдеворига минг йиллар олдин тамал тоши қўйилган.

